

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯДА ЗАМОНАВИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент - 2017

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ЎзМУ, г.ф.д., профессор С.А.Солиев

ЎзМУ, г.ф.н., доцент М.И.Назаров

Такризчи: г.ф.н., доц. Н.И.Сафарова (ТДПУ)

*Ўқув -услубий мажмуа ЎзМУнинг кенгашининг 2017 йил _____ даги ____ -
сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	17
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	65
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	67
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	72
VII. ГЛОССАРИЙ.....	73
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	77

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “География” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ўзбекистон Республкаси миқёсида амалга оширилаётган барча тадбирлар қаторида, олий таълим тизимидаги ўзгаришлар, жаҳон андозаларига мос етук, малакали мутахассисларни тайёрлаш алоҳида ўрин тутди. Шу боис, ўқув жараёни, ўқув адабиётлари ва педагогик жамоани замон талабига мос олиб боришни ҳозирги давр тақазо этмоқда.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Иқтисодий географияда замонавий тадқиқотлар” **модулининг мақсади:** педогог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида олий таълим тизимида замонавий география фанининг ҳозирги ҳолати ва юзага келган муаммолар, замонавий иқтисодий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ва мазмунини ёритиб бериш, шунингдек, мазкур тадқиқотларнинг назарий ва методологик асосларига доир чет эл тажрибалари ва муаммоларни аниқлаш ва таҳлил этишдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

“Иқтисодий географияда замонавий тадқиқотлар” модули бўйича илғор хорижий тажрибалар назариясини чуқур ўргатиш, тингловчиларга замонавий иқтисодий географик тадқиқотлар ва уларнинг асосий йўналишлари ҳақида билимларни шакллантириш ва мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш; география фанининг ҳозирги замон объекти ва предметини, илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш; табиат-аҳоли-хўжалик тизимидаги ҳудудий жиҳатлар ва қонуниятларни аниқлаш ва илмий асослаш; ижтимоий географик тадқиқотларнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаш; география фанининг назарий ва амалай масалалари, уни ўқитишнинг методик жиҳатларини мустаҳкамлашдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Иқтисодий географияда замонавий тадқиқотлар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- география фанининг тарихий шаклланиши, унинг замонавий ички тузилиши;
- фаннинг ҳозирги замон ривожланиш йўналишлари ва муаммолари;
- фаннинг асосий тадқиқот йўналишлари;
- ижтимоий-иқтисодий география фанининг ижтимоийлашуви, сиёсийлашуви ва экологиялашуви ҳақида **билимларга эга бўлиши**;

Тингловчи:

- ўз касбий фаолият соҳаларида география фанининг назарий ва амалий масалаларини ёритиб бериши;
- география фанининг асосий ютуқларини тарғиб қилиш;
- география фанининг ривожланиш муаммолари ва унинг истиқболларини таҳлил қилиш;
- география фанининг асосий категория ва тушунчаларини амалиётда қўллаш **кўникмаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- ўқув курси модулини тузиш;
- ахборотни тайёрлаш;
- талабаларнинг мустақил амалий фаолиятини ташкил этиш;
- кириш ва чиқиш назоратини ташкил этишда эришилган натижаларни таҳлил этиш;
- интерфаол услублардан фойдаланиш **малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- география фанини ўқитишда таълим ва тарбия жараёнини уйғунлаштириш ва бошқариш;
- олинган билимлар асосида илмий-назарий хулосалар бериш;
- замонавий географик тадқиқотларни ташкил этиш;

- мажмуали ва тизимли фаолиятга оид **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Иқтисодий географияда замонавий тадқиқотлар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, кластер, ақлий ҳужум, ҳудудий фикрлаш, SWOT - таҳлил, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган гуманитар ва ижтимоий–иқтисодий, умумкасбий ва ихтисослик ўқув моделлари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий географиясида замонавий тадқиқотлар мазмунини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар фани бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга ҳизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар география фанининг илмий-назарий асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолаш ҳамда замонавий иқтисодий географик тадқиқотларга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

“Иқтисодий географияда замонавий тадқиқотлар”

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма маълумот	
1.	Ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий географиясининг таркибий тузилиши	4	4	2	2		
2.	Замонавий иқтисодий ва ижтимоий география фанининг асосий термин ва тушунчалари	4	4	2	2		
3.	Иқтисодий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари	4	4	2	2		
4.	Тадқиқотлар бўйича хорижий назария ва концепциялар	8	6	2	2	2	2
5.	Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва минтақавий сиёсат масалалари	10	8	2	4	2	2
	Жами:	30	26	10	12	4	4

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШЎУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий географиясининг таркибий тузилиши

Ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий географиясининг таркибий тузилиши, фанлар тизимида тутган ўрни ва алоқалари. Тадқиқот объекти ва предметидаги ўзгаришлар.

2-мавзу: Замонавий иқтисодий ва ижтимоий география фанининг асосий термин ва тушунчалари

Замонавий иқтисодий ва ижтимоий география фанининг асосий термин ва тушунчалари, категориялари. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг назарияси, иқтисодий географик тадқиқотларнинг методологияси. Иқтисодий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, илмий-назарий ҳамда амалий аҳамияти.

3-мавзу: Иқтисодий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари

Иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотлар бўйича хорижий назария ва концепциялар. Жамиятнинг сиёсий-худудий қурилиши ва сиёсий-географик тадқиқотлар.

4-мавзу: Тадқиқотлар бўйича хорижий назария ва концепциялар

Аҳоли ва ижтимоий-географик тадқиқотлар. Шаҳарларнинг ривожланиши ва урбанизация муаммоларини тадқиқ этиш. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва минтақавий сиёсат масалалари.

5-мавзу: Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва минтақавий сиёсат масалалари

Аҳоли ва ижтимоий-географик тадқиқотлар. Шаҳарларнинг ривожланиши ва урбанизация муаммоларини тадқиқ этиш. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва минтақавий сиёсат масалалари.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

Кўчма машғулоти ташкил этиш шакли ва мазмуни

Кўчма машғулотлар модулларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув-лаборатория хоналарида, музейлари ҳамда намунавий деканатида;

- Марказнинг ишлаб чиқариш корхоналари, илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа марказлар билан тузилган шартномалари асосида ташкил этилади ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**0,8 балл**.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде кўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичиге куйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари.

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;

	✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш
--	--

«Ақлий ҳужум» методи.



«Ақлий ҳужум» бирор муаммони ечишда гуруҳ катнашчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Бу метод орқали шахсни техник ривожлантириш мумкин. У тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ургатади

«Ақлий ҳужум» методини принципи жуда содда:

- Сиз бир гуруҳ иштирокчиларни тўплайсиз, ҳамда улар олдида бирор муаммоли вазиятни ечиш бўйича ўз ечимларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сурайсиз. Мазкур этапда иштирокчилардан ҳеч бири бошқа катнашувчиларни ғояси, фикрини муҳокама қилиши ёки баҳолаши мумкин эмас.

«Ақлий ҳужум» методини қўлашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган ғоя ва фикрлар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

2. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар, улар ҳатто бўлмағур бўлса ҳам, ҳисобга олинади.

3. Қанча кўп ғоя ва фикрлар билдирилса шунча яхши.

4. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

5. Ғоя ва фикрларни билдириш учун вақт аниқ белгиланади.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Мамлакатимизда тадқиқотлар асосчиси ким? агрогеографик йўналишининг

- А. З.М.Акрамов.
- Б. Н.А.Когай.
- В. О.Б.Атамирзаев.
- Г. А.С.Салиев.



Қиёсий таҳлил

- Иқтисодий географияда шаклланган миллий мактабларни ўзаро қиёсий таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- Иқтисодий географияда “социаллашув” жараёнини изоҳланг...



Амалий кўникма

- Сиёсий географик тадқиқотларнинг ривожланиш тарихини аниқланг

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қодалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
“Худудий меҳнат тақсимоти”		
“Штандорт назарияси”		
“Социаллашув”		
“Марказий жойлар назарияси”		
“Ташқи савдо айланмаси”		

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

III. НАЗАРИЙ МАНҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу: Ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий географиясининг таркибий тузилиши

Режа:

1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг фанлар тизимида тутган ўрни.
2. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг таркибий тузилиши ва тарихий ривожланиши.
3. “Табиат-аҳоли-хўжалик”, “табиат ва жамият (инсон)” тушунчалари, уларнинг географик моҳияти.

***Таянч сўзлар:** География, география фанлари тизими, иқтисодий ва ижтимоий география, ҳудуд, географик ўрин, тарихий география, ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодиёт, хўжалик.*

1.1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг фанлар тизимида тутган ўрни.

Замонавий иқтисодий ва ижтимоий география ёки кенг маънодаги ижтимоий география жамият ҳаётининг ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланишининг турли жиҳатларини ўрганувчи комплекс географик фан сифатида ҳозирги замон фанлар тизимида ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Жамият тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар фақат вақт (давр) давомида кечмайди, улар айни пайтда муайян жойда, яъни маконда ҳам содир бўлади. Ижтимоий ривожланишнинг ана шундай ҳудудий жиҳатлари география фанининг тадқиқот доирасига киради. Бироқ жамият ривожини билан уни ўрганувчи фанларнинг тадқиқот объекти ҳам мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Бу табиий ва ўз-ўзича қонуний ҳолдир.

Маълумки, ҳар қандай фан тадқиқот объектига ва ўзининг предметига эга бўлиши керак. Бу ерда объект серқирра борлиқ, ҳодиса ва воқеалар бўлиб, у биргина фан учун эмас, балки кўп фанлар бирикмасига хизмат қилади. Фото - ёки киноаппарат, видеокамера объективи барча борлиқни камраб олади ва унда бизни қизиқтирмайдиган нарсалар ҳам ўз аксини топиши мумкин. Ваҳоланки, ҳар бир фан ҳодиса ёки воқеаларни ўзининг хусусияти ва моҳиятидан келиб чиқиб фақат бир томонини ўрганади. Ана шу

“бир томони”, ёки жихати ҳар қайси фаннинг *предмети* ҳисобланади ва у аниқ нарса ёки воқеа ҳодисани ўрганишини билдиради.

Демак, объект кенг қамровли тушунча, предмет эса нисбатан тор ва аниқ маънода бўлиб, у шу объектнинг қайси қисмини ўрганишни англатади. Бу борада қатор мисоллар келтириш мумкин. Масалан, аҳоли, айти пайтда иқтисодчилар, демографлар, этнографлар, социологлар, географлар, тиббиётчилар, ҳуқуқшунослар ва бошқа фан вакиллари кизиқтиради. Аммо ҳар қайси фан “ўз бурчагидан” уни тадқиқ ва таҳлил қилади. Жумладан, иқтисодчилар учун аҳоли бу асосий ишлаб чиқариш куч, меҳнат қилувчи субъект сифатида кўрилади; этнографларни аҳолининг кизиқтирувчи томони унинг миллий урф-одати, кийиниши, анъаналаридир, демограф эса, аҳолининг такрор барпо этилиши, унинг табиий ва миграцион харакати (туғилиш, ўлим, кўчиб юриш), никоҳ, ажралиш ва бошқа томонларини илмий асосда таҳлил қилади ва ҳ.к.

Замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг объекти авваллари маълум бир мамлакат ёки районнинг ҳўжалиги ва аҳолиси, ишлаб чиқариш кучларининг жойланишидан иборат бўлган бўлса, кейинчалик у ҳўжалик ва аҳолининг ҳудудий таркиби ёки тизими, ҳудудий ижтимоий - иқтисодий мажмуалар (комплекслар) шаклини олди. Шунга мувофиқ, ушбу фаннинг вазифаси ҳам ўзгариб борди: илгари асосий эътибор қаерда нима борлигини ўрганишга қаратилган бўлса, ҳозирги кунда эса нима учун у ёки бу воқелик айнан шу жойда вужудга келганлигини илмий асосда изоҳлаб ва баҳолаб берилиши талаб этилади. Бундай қонуниятларни чуқур англаш фаннинг амалий аҳамиятини янада оширади. Чунки, у энди турли йирикликдаги ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг таҳлилидан уларнинг ташҳисига, ундан эса прогноз ва бошқариш даражасига кўтарилмоқда.

Жамият тараққиёти, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ва жойланишидаги жараёнлар иқтисодий география объектининг ўзгаришига сабаб бўлади. Шунга мос равишда бу фаннинг тадқиқод предмети ва вазифалари ҳам такомиллашиб боради. Айти пайтда бундай эволюцион жараёнлар фан номини замон талабига мувофиқлашувига олиб келади. Бинобарин, анъанавий иқтисодий география аста-секин иқтисодий ва социал географияга, у эса, ўз навбатида, янада мураккаброқ ва мужассамроқ шаклга - ижтимоий географияга айланмоқдаки, бу ушбу фанни жаҳон миқёсидаги андозаларига мослаштиради.

Умуман олганда, “иқтисодий география” тушунчасини дастлаб улуг рус олими М.В.Ломоносов XVIII асрнинг 60-йилларида ишлатган. Лекин фан сифатида кейинчалик бошқалар томонидан яратилган¹. Иқтисодий география фани таърифини биринчилар қаторида немис олими Алфред Вебер 1909 йилда берган. Унинг фикрича, бу фан ҳудудларнинг иқтисодий хусусиятлари, функциясини ўрганади.

¹ Хорижда “Иқтисодий география” тушунчасини, Ю.Г.Саушкин фикрича, биринчи бор 1882 йилда Ф. Ратцелнинг шогирди немис олими В. Готц қўллаган.

XX асрнинг 70-йилларида анъанавий иқтисодий география иқтисодий ва ижтимоий (социал) географияга айланди. Кейинчалик бу фаннинг турли қирраларини акс эттирувчи инсон, гуманитар, социал, ижтимоий география каби номлар пайдо бўлди. Ҳозирда Россия ва айрим МДХ мамлакатларида у “Иқтисодий, социал, сиёсий ва рекреация географияси” деб расман юритилади. Бу номга маданий география, туризм ва бошқа нотабий географик йўналишлар ҳам киришига даъвогар бўлиб туришибди². Фикримизча, фан номини бундай мураккаблаштирмасдан уни бир сўз билан “Ижтимоий география” деб белгилаш маъқулроқ бўлса керак. Бироқ, бу ерда “ижтимоий” социал сўзи билан маънодош эмас, аксинча у кенгроқ тушунча ҳисобланади.

Айтиш жоизки, мазкур фаннинг муайян бир барқарор, барчани каноатлантурувчи таърифи йўқ. Бунинг сабаби — география фанининг кенг қамровлиги, объект ва номининг давр мобайнида ўзгариб туришидир. Шу билан бирга, иқтисодий география таърифларининг кўпчилигида ишлаб чиқариш кучлари, уларнинг жойлашиш *хусусиятлари* таъкидланади. Булар ушбу фаннинг ўзак тушунчасига, аксиомасига айланиб қолган. Албатта, бу бежиз эмас, чунки иқтисодиётнинг асосини ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодий географиянинг моҳиятини эса уларнинг жойлашув хусусиятлари белгилаб беради. Қолаверса, ривожланиш фақат аниқ бир жойда, маконда амалга ошади, шу боис, *жойланиш ривожланишининг ҳудудий инъикосидир*.

Масалага бундай ёндашув, назаримизда, иқтисодий географиянинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ. Маълумки, ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш муаммолари даставвал Европада, хусусан Германияда немис олимлари И. Тюнел, А. Вебер, А. Лёш, В. Кристаллер ва бошқалар томонидан кўриб чиқилган. Аммо, улар ўзларининг жойлаштириш (штандорт) ғояларининг натижасини «иқтисодий география» деб таърифлашмаган. Аксинча, бу масалалар кўпроқ ҳудудий иқтисод ёки геоиқтисод доирасида, иқтисодиёт фанининг бир қисми сифатида қаралган.

Ўйлаймизки, ҳозирги кунда ҳам фаннинг таърифида «ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви» иборасини қолдириш мумкин, зеро ҳар қандай жойлаштириш муайян бир ҳудудда амалга оширилади. Бироқ фанимизнинг бугунги предмети учун бу кифоя қилмайди; у энди иқтисодийгина эмас, балки иқтисодий ва социал, ижтимоий география мақомини олмоқда. Шу сабабдан бундай таъриф фаннинг номи билан мазмуни, сурати билан сийратини, шакл ва моҳиятини мувофиқлаштиролмайди.

Тўғри, “ишлаб чиқариш кучлари” энг аввало унинг субъекти, эгаси бўлган аҳолини ҳам ўз ичига олади. Лекин бу ерда аҳоли асосан ишчи кучи мазмунида, яъни иқтисодий категория шаклида назарда тутилади. Инсон, унинг ижтимоий ҳаёти, социал муносабатлари эса бу ибора қамровидан четда

² География қайси бир маънода чегаралар ҳақидаги фандир, бироқ баъзан ўзининг чегараси номаълум бўлиб қолади.

колади. Бусиз фан илгаригидек иқтисодий, яъни **ишлаб чиқариш географияси** бўлиб қолаверади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ва ижтимоий география таърифини тахминан шундай бериш мумкин. *Иқтисодий ва ижтимоий география мустақил фан сифатида турли мамлакат ва районларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланиши хусусиятлари ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзининг ҳудудий жиҳатларини ўрганади.* Қисқача қилиб эса, ижтимоий географияни жамият ҳаёти ва фаолиятини ҳудудий ташкил этиш тўғрисидаги фан, деб таърифлаш тўғри бўлади. Шубҳасиз, келтирилган таъриф ҳам мутлоқ аниқликка даъвогар бўлмасада, у иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларни ўз доирасига олган ҳолда, фаннинг туб моҳиятини ўзида акс эттиради ва уни тўла ифодалаб беради.

Берилган таърифнинг эга ва кесими, аниқловчиси ва тўлдирувчиси, яъни биринчи ва иккинчи даражали бўлаклари мавжуд. Чунончи, агар ушбу ифодадан гапнинг эгаси - **“турли мамлакат ёки район”, “ҳудуд”** тушунчалари олиб ташланса, у ҳолда географияга ўрин қолмайди. Бинобарин, айнан ана шу иборалар ушбу таърифнинг географияга тааллуқлилигидан далолат беради. Худди шундай **“хусусият”** (кесим) сўзи ҳам география учун ўта муҳимдир, чунки фаннинг асосий ва пировард мақсади ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви, инсон ҳаёт тарзининг турли районларидаги ўзига хос ва бетакрор хусусиятини очиб беришдан иборатдир (тарихда ҳам худди шундай — жамият тараққиётидаги турли даврлар хусусияти аниқланмаса, ушбу фан ўз моҳиятини йўқотади). Зеро, **ҳамма жойда бор нарса географияда мутлақо бўлмаслиги керак.** Агар ҳамма жой бир рангда текис, бир хил даражада бўлганда географиянинг ҳам, қолаверса, жамият ривожланишининг ҳам ўзи бўлмас эди.

Бизнинг таърифимиз кўпол бўлмаслиги ва кенгайиб кетмаслиги учун унга мажмуалар ёки комплекслар (тизимлар) ғояси киритилмади. Аслида эса иқтисодий ва ижтимоий география ўзи ўрганаётган воқеаликни муайян ҳудудда ва фақат алоҳида — алоҳида эмас, балки ўзаро алоқадорликда, яъни маълум бир ҳудудий мажмуа ва тимлар доирасида кўради.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий география ва умуман география фанининг тадқиқот объекти эволюцион тарзда ўзгариб, кенгайиб кичик масштабни кўринишни эгаллаб борган. Бундай жараён қисман Буюк географик кашфиётлар билан ҳам боғлиқ бўлган ва у дунёни, катта-катта ҳудудларни билиш, улар билан танишишга қаратилган. Эндиги шароитда, барча жойлар Ер юзида очилгандан сўнг, кичик ҳудудларни йирик масштабни тадқиқот асосида ўрганиш ва тўпланган билимлар илмий жиҳатдан умумлаштирилиши, турли ҳудудий қонуниятлар аниқланиши зарур бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, айнан **кичик калит катта уйни очишидек**, бундай методологик ёндашув чуқур ва аниқ илмий хулосаларга олиб келади. Масалан, деярли бутун Ғарбий Европага тенг келувчи Ғарбий Сибир ҳудудий

ишлаб чиқариш мажмуаси эмас, балки нисбатан кичик майдонларда бундай ҳудудий мажмуаларнинг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари, қонуниятларини тадқиқ қилиш муҳимроқ, амалийроқ бўлиб қолди. Умуман олганда эса, ***каттада кичикни, кичикда каттани кўра билиш, кўп ва турли масштабли географик тадқиқотларнинг асосий тамойилларидан, талабларидан бири ҳисобланади.***

Шу боис, юқорида берилган таърифни янада мукаммаллаштирса бўлади, яъни: “иқтисодий ва социал география ишлаб чиқариш кучларини турли мамлакат ёки районларда ривожланиш ва жойланиш хусусиятлари ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзини ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимлар (мажмуалар) доирасида ўрганади”, деб ифодалаш мумкин.

Сатрлар остида иқтисодий ва социал географияни *ижтимоий география* деб аташга мойиллигимиз сезилиб турибди³. Бу, биринчидан, фаннинг ўзини ички ривожланиш қонуниятлари, ундаги дифференциация ва интеграция жараёнлари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ушбу фан номини ривожланган мамлакатлардаги шаклига мувофиқлаштириш билан асосланади. Дарвоқе, кўпгина хорижий мамлакатларда фаннимиз айнан шундай: ижтимоий, гуманитар ёки инсон географияси сифатида расман қабул қилинган. Бундан ташқари, яна бир масалага эътибор берайлик. Маълумки, географиянинг бош фалсафий масаласи табиат билан инсон (жамият) ўртасидаги муносабат ва алоқадорликни ўрганишдан иборатдир. Бу иккиликнинг бири - табиатни ўрганувчи фанлар туркумини “табиий география” деб юритилиши ҳеч кимда шубҳа қолдирмайди. Аммо унинг иккинчи бўлаги, яъни инсон ёки жамият масалаларини тадқиқ этувчи фанни бир сўз билан қандай ифодалаш мумкин? Аминмики, бу ерда «иқтисод» сўзи ҳеч мос келмайди ва у табиатга “муқобил” тура олмайди. Иқтисод ва ҳаёт, иқтисод ва сиёсат бўлиши мумкин, бироқ табиат ва иқтисод бирлиги, жуфтлиги асло қовушмайди. Бинобарин, ана шу мантикий мулоҳаза нуқтаи назаридан ҳам нотабиий географик фанлар мажмуини инсон, жамият географияси ёки янада тўғрироғи *ижтимоий география* деб юритишга асос бўлса керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодий ва социал географияни ижтимоий география шаклида ифодалаш фақат биз киритган янгилик эмас, асло. Ҳатто собиқ Иттифоқда ҳам ушбу тушунча кўпчилик олимлар - Ю. Г. Саушкин, В. М. Гохман, С. Я. Ниммык, М. Д. Шаригын ва бошқалар томонидан анча йиллар муқаддам ишлатилган эди.

Барча фанларда бўлганидек, география, шу жумладан, ижтимоий географияда дифференциация (турланиш) жараёни кетмоқда. Шу боис, мамлакатимизда жаҳоннинг илғор давлатларидаги бой тажрибалар, янги илмий йўналишлар ҳам жорий этилса, бўлажак ёш мутахассислар замон талаби даражасида тайёрланган бўлади.

³ Ўзбек тилида “социал” сўзини кўпинча “ижтимоий” маънода қўлланилади. Ваҳоланки, бундай эмас; улар айрим ҳолларда мустақил қўллаш ҳуқуқига эга; социал (тор) жамоани, ижтимоий (кенг) эса жамиятни англатади.

География фанининг яна бир ажойиб ва бетакрор имтиёзи бор. Бу ҳам бўлса унинг интеграция салоҳиятининг кучлилиги, синтез қилиш кудратидир. Қамрови кенг бўлган география жуда кўп фанлар билан “қўшничилик” қилади ва туташ мавқега эга. Улар жумласига тарих, биология, геология, социология, демография, иқтисодиёт, экология, психология, ҳуқуқшунослик, шаҳарсозлик, тиббиёт ва бошқалар кирази. Демак, география бу фанлар билан алоқада ва унинг кучи ҳам ана шунда. Бошқача қилиб айтганда, географлар учун турли фанлар қиррасида янги-янги тадқиқот йўналишлари ва ютуқларга эришиш имконияти мавжуд. Чунки *география фани барча фанлар тизимида қулай “географик ўринга” эга, у марказда (махражда) ва шунинг учун колган кўпчилик фанлар истаси-истамаса географияга тўқнашади, алоқадордир.*

Назорат саволлари:

1. География фанлари тизими ва унда иқтисодий ва ижтимоий география фанининг мавқеини тушунтиринг.
2. Замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркибий тузилиши эволюциясини қисқача изоҳланг.
3. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятига баҳо беринг.
4. Замонавий иқтисодий географиянинг шаклланиши ва ривожланишида хориж, собиқ иттифоқ ҳамда мамлакатимиз тажрибасини таҳлил қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Анна Баттимер. Путь в географии. – М.: Прогресс, 1990.
2. Асанов Г. Р. Социал – иқтисодий география. Термин ва изоҳли тушунчалар луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 248 б.
3. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избранные труды. – М., 1980.
4. Зокиров Ш., Тошев Х. География тарихи. – Бухоро, “Дурдона”, 2015.
5. Максаковский В.П. Историческая география мира. – М., 1999.
6. Поросенков Ю.В., Поросенкова Н.И. История и методология географии. – Воронеж, 1991.
7. Саушкин Ю.Г. История и методология географической науки. – М.: МГУ, 1980.
8. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. – М., 1984.
9. Солиев А. Иқтисодий география: назария, метод ва амалиёт. – Т., 2013.
10. Солиев А. Ҳудудий мажмуаларнинг назарий асослари.- Тошкент: Университет, 2007.
11. Солиев А. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: Университет, 2014.

12. Социально-Экономическая география: понятия и термины. – Смоленск, 2013.
13. Скопин А.Ю. Введение в экономическую географию. – Смоленск., 2013,
14. Трофимов А.М. Шарыгин М.Д. Общая география (Вопросы теории и методологии). – Пермь, 2007.
15. Алаев Э . Б . Социально- экономическая география: Понятийно-терминологический словарь / Э .Б. Алаев. – М .:Мысль, 1983. - 350 с.
16. Голубчик М .М . История географии : учеб. пособие / М.М. Голубчик, С .П . Евдокимов, С .Н . Максимов. – Смоленск : Изд-во Смолен. гум .ун- та, 1998. -224 с.
17. Хаггет П . География: синтез современных знаний / П . Хаггет . – М.: Прогресс, 1979. – 684 с.

2-Мавзу: Замонавий иқтисодий ва ижтимоий география фанининг асосий термин ва тушунчалари

Режа:

1. Иқтисодий ва ижтимоий географияда районлаштириш муаммолари.
2. Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари.
3. Минтақавий сиёсат ва геосиёсий тадқиқотлар.

***Таянч сўзлар:** иқтисодий район, ихтисослашув, худудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий географик район, худудий ишлаб чиқариш мажмуалари, минтақавий сиёсат, геосиёсат.*

1. Иқтисодий ва ижтимоий географияда районлаштириш муаммолари.

Худудий меҳнат тақсимоти ва унинг доимий “йўлдоши” бўлган ихтисослашув натижасида иқтисодий районлар шаклланади. Улар эса мамлакат иқтисодиётининг худудий таркибини ташкил қилади. Аммо худудий таркиб фақат иқтисодий районлар тўридан иборат эмас, у маъмурий бирликлар, табиий географик ва гидрографик омиллар асосида ҳам белгиланиши мумкин.

Иқтисодий районлар минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий сиёсатнинг объекти ҳисобланади. Агар илгари иқтисодий районлаштириш халқ хўжалигини планлаштириш мақсадида ажратилган бўлса, ҳозирги шароитда улар ишлаб чиқаришни худудий ташкил қилишнинг асосий шакли, давлат минтақавий сиёсатининг объекти, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни тартибга солиб бориш ва бошқариш учун зарур. Қолаверса, иқтисодий районларсиз мамлакат хўжалиги ички тузилиши, худудий таркиб ва тизимини географиясини ўрганиш ҳам қийин.

Айнан ана шу мақсадларда иқтисодий районлаштиришнинг амалий аҳамияти янада ошиб бормоқда. Масалан, Россия Федерациясида 11 та йирик иқтисодий районлар негизида еттига федерал округлар ажратилган. Ўзбекистонда ҳам иқтисодий районлаштириш мамлакатни ижтимоий-сиёсий ташкил этиш ва бошқариш учун керак.

Иқтисодий районлаштириш мамлакат худудининг катта-кичиклигига унчалик боғлиқ эмас, энг муҳими иқтисодий макон ички жиҳатдан турланган, худудий меҳнат тақсимоти ривожланган бўлиши талаб этилади. Ички тафовутлар қанчалик катта бўлса, иқтисодий районлар тўри ва тизими ҳам шунча ривожланган бўлади. Чунончи, майдони жуда катта бўлган, алоҳида қитъада жойлашган Австралия мамлакатаида асосан 4 та иқтисодий

район ажратилади, холос, ваҳоланки, унга қараганда анча кичик бўлган Европа давлатларида бир қатор районлар шаклланган.

Иқтисодий районларнинг турлари ва шакллари кўп; улар бутун мамлакат ҳудудини ўз ичига олиши (унда майдон, иқтисодий аҳамиятидан қатъий назар, турли қисмларга бўлинади) ёки унинг алоҳида жойларида, яъни дискрет ҳолда ажратилади. Бундан ташқари, иқтисодий районлар умумий (интеграл) ва тармоқ районларга бўлинади. Шунингдек, мамлакат ҳудуди ижтимоий-иқтисодий ва социал районларга ҳам ажратилиши мумкин. Аммо, бу районларнинг ҳудудий кўлами бир-биридан фарқ қилади; одатда, иқтисодий районларга кўра ижтимоий-иқтисодий районлар кичикроқ, улардан эса социал районлар янада кичикроқ бўлади. Бундай фарқлар ҳар хил турдаги районлардаги район ҳосил қилувчи омилларга боғлиқ.

Баъзан иқтисодий районлар *иқтисодий географик районлар* деб ҳам юритилади. Бу ерда жиддий фарқ кўринмайди, зеро ҳар қандай район ўз моҳият ва мазмунига кўра географиядир. Шу боис, “география” атамасини ишлатиш зарурияти йўқ; “ҳудудий жойлаштириш” тушунчаси қанчалик жойлаштириш учун шарт бўлмаса, иқтисодий районлаштиришда ҳам “география” сўзи шунчалик ортиқчадир.

Иқтисодий районлар турли омилларга қараб ажратилади. Улар қуйидагилар:

- Ҳудудий меҳнат тақсимооти ва ҳудудий ихтисослашув;
- Бозорга мўлжалланган товар маҳсулот ишлаб чиқариш, бозор маконининг шаклланганлиги;
- Табиий шароит ва қазилма бойликлар, уларнинг ҳудудий бирикмалари;
- Аҳоли ва меҳнат ресурслари;
- Район ҳосил қилувчи ва уни ташкил этувчи марказнинг ёки марказларнинг мавжудлиги;
- Иқтисодий географик ўрин;
- Транспорт тўрининг ривожланганлиги;
- Минтақавий инфратузилма ва инвестиция муҳитининг шаклланганлиги ва ҳ.к.

Иқтисодий район ўзига хос ҳудудий мажмуа ва ҳудудий тизимни ташкил этади. Албатта, бу ерда район, комплекс ва тизим (система) тушунчалари айнан бир мазмунга эга эмас, аммо уларнинг бир-бирларига яқинлигини ҳам инкор этиш ноўриндир. Ҳар қандай иқтисодий район комплекс, ҳудудий мажмуа принципига асосланади. Бу комплекслик, энг аввало, турли даража ва аҳамиятга эга бўлган тармоқларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзаро мувофиқлашган ҳолда мутаносиб ривожланишида ўз ифодасини топади. Чунончи, ҳар бир районда ихтисослашган, яъни бозор аҳамиятига эга бўлган тармоқ ва тармоқлар, уларни тўлдирувчи ёрдамчи, иккинчи даражали тармоқлар ва маҳаллий эҳтиёжларга қаратилган маҳаллий бозорни тўйинтирувчи тармоқлар бўлади. Шу 3 бўғиннинг қайси бири шаклланмаган бўлса, у ҳолда тўла қонли иқтисодий район тўғрисида сўз юритиш қийин.

Ҳар бир йирик иқтисодий район базавий тармоқларга эга бўлишлари керак. Уларга, масалан, электроэнергетика, қурилиш индустрияси кабилар киради. Айни вақтда бу тармоқлар юқоридаги 3 гуруҳдан иборат бўғинларнинг бирига ҳам кириши мумкин.

Демак, ана шу мазмунда иқтисодий районни ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси шаклида талқин қилса бўлади. Аммо реал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари билан район ишлаб чиқариш мажмуалари бир хил эмас; биринчиси, ҳақиқий борлиқ бўлса, иккинчиси кўп жиҳатдан маъмурий-бошқарув маъносидаги мажмуадир. Жумладан, Ангрен-Олмалик ёки Қарши ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари билан Тошкент вилояти ёки Қашқадарё ҳудудий мажмуалари бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, иқтисодий районда бир эмас, бир неча ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари бўлиши ва, айни вақтда, мажмуа ҳосил қилувчи тармоқлар ҳам мавжуд бўлади. Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари иқтисодий районларнинг ўзагини, асосини ташкил қилади, аммо районнинг ўзи эмас.

Иқтисодий район ҳудудий мужассамлашув ва ҳудудий ихтисослашувнинг ўзаро уйғунлашган, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ҳудудий ташкил қилиш, ушбу жараён иқтисодий самарадорлигини оширувчи муҳим омил ёки шаклдир. Зеро, ҳар қандай иқтисодий район ёки минтақа бирор бир хўжалик тармоғини бошқа жойларга қараганда бу ерда кўпроқ тўпланганлиги, мужассамлашганлиги, ривожланлиги демакдир.

Иқтисодий районлаштиришнинг энг қадимий йўналиши қишлоқ хўжалигини жойлаштириш билан боғлиқ. Сабаби, қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари, яъни унинг ареалсимонлиги макроиқтисодиётнинг бошқа тармоқларига кўра яққол кўзга ташланади. Шу боис, минтақавий иқтисодиёт, иқтисодий география ва иқтисодиёт тарихи кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини районлаштириш ва жойлаштириш тарихи билан белгиланади. Бежиз эмаски, Ўзбекистонда ҳам бу борадаги илмий ишлар даставвал айнан ана шу тармоқни жойлаштириш ва районлаштириш билан бошланган (В.М.Четиркин, К.Н.Бедринцев, Н.Г.Цапенко, З.М.Акрамов, К.И.Лапкин, Қ.Н.Абирқулов, Р.А.Ҳодиев ва бошқалар).

Иқтисодий районнинг ҳудудий тизимга яқинлигини яна бир томони шундаки, у айни вақтнинг ўзида ҳам моноген, ҳам гомоген хусусиятга эга. Агар тизим-таркиб услубиёти нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, иқтисодий район ташқи жиҳатдан, яъни “ёпиқ” тизим шаклида асосан бир хиллик ландшафтдир, ички жиҳатдан ёки “очик” тизим шаклида эса у турли-туман, ички тафовутларга бой ҳудудий бирликни англатади.

Моҳиятан, иқтисодий район мамлакат маъмурий-ҳудудий таркибини ташкил этиш ва бошқаришда катта амалий аҳамиятга эга. Аммо, бу ерда маъмурий-ҳудудий масалаларнинг айрим ҳолларда субъективлиги, юқоридан ташкил қилиниши ва иқтисодий районлаштиришнинг “ичкаридан”, объектив ҳолда шаклланиши ўртасида номувофиқликлар келиб чиқади. Боз устига, маъмурий бирликлар чегараси ва сони тез-тез ўзгариб туради, иқтисодий район эса анча турғунликка эга. Бинобарин, мамлакатни маъмурий

районлаштириш билан уни иқтисодий районлаштиришни тўғри йўлга қўйиш муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммодир. Шу жиҳатдан ҳам қараганда, иқтисодий районлаштириш ва иқтисодий районлар ўз илмий ва амалий аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари (ХИЧМ) иқтисодий-ижтимоий географиянинг жаҳон аҳамиятига эга бўлган нуфузли назарий ютуқлардан биридир. Уни яратишда энг аввало Н.Н.Колосовкийнинг хизматини кўрсатиш жоиз. XX асрнинг йигирманчи йилларида ГОЭЛРО, яъни Россияни электрлаштириш давлат режаси доирасида И.Г.Александров иш олиб боришда ва, айниқса, ДнепроГЭС лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида район комбинатлари ҳақидаги ўзининг назариясини яратди. Ўттизинчи йилларда эса бу муҳим масалани у аниқлаштирди, чуқур ўрганиб **район ишлаб чиқариш комбинатларини** барпо этиш лозимлигини таъкидлади. Н.Н.Колосовский И.Г.Александровнинг район ишлаб чиқариш комбинатлари тўғрисидаги таълимотидан Урал, Сибир ва Қозоғистон каби йирик районлар мисолида амалий фойдаланди, уни бойитди ва шу асосда ўзининг район комплекслари (комбинатлари, мажмуалари) тўғрисидаги илмий ғоясини шакллантирди. Бу, албатта, илгаригига қараганда янги бир кадам олға фикр эди.

Н.Н.Колосовский 1947 йилда худудий ишлаб чиқариш (аниқроғи, ишлаб чиқаришнинг худудий бирикмалари, комплекслари) мавзуида мақола чоп эттирди. Унинг фикрича, бу назариянинг асосий моҳиятини маълум бир худудда ёки иқтисодий районда алоҳида танлаб олинган ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли пунктларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланиши ва жойланиши ташкил этади. У ишлаб чиқаришнинг худудий мажмуасини иқтисодий география фанининг таркибий қисми эканлигини қайта-қайта таъкидлади ва, айти пайтда, маълум худудда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналар йиғиндиси ҳамма вақт ҳам комплекс (мажмуа) бўла олмайди, деб уқтирган эди. Бундай оддий худудий жойлашиш группировкани ташкил этади, холос. Демак, биз кўшимча қилар эканмиз, ҳар қандай худудий мажмуа бу гуруҳ, аммо ҳар қандай гуруҳ мажмуа бўлавермайди.

Кейинчалик ХИЧМ назариясини ривожлантиришга Н.Н.Баранский, Н.Т.Агафонов, А.Г.Аганбегян, М.К.Бандман, Н.Н.Некрасов, Ю.Г.Саушкин, Т.М.Калашникова, М.Н.Степанов, А.И.Чистобаев, А.Т.Хрушев, М.М.Паламарчук, М.Д.Шарыгин, З.М.Акрамов, С.К.Зиёдуллаев, А.Г.Батигин, К.Н.Бедринцев каби бир қатор олимлар ўз хиссаларини қўшдилар.

Тажрибалар ҳамда фактик материаллар шуни тасдиқлайдики, худудий (ёки географик) меҳнат тақсимоти фундаментал тушунча бўлиб, у иқтисодий районлаштириш ва худудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, худудий меҳнат тақсимоти бирламчи, қолган икки тушунча эса унинг натижаси, ҳосиласидир.

Н.Н.Колосовский ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мажмуалари (ёки ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, бизнингча, булар бир хил маънога эга) ибораси иқтисодий районлар тўғрисидаги тушунча ўрнини эгалламаслиги керак; бу иқтисодий районларнинг “ядроси”ни ташкил этади, холос, деб уқтирган эди. Дарҳақиқат, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари мазмун ва сифат жиҳатдан, ишлаб чиқариш корхоналарини маълум бир нуқтадаги ёки жойдаги турғун бирикмаси сифатида иқтисодий районлардан фарқ қилади.

Сўнгги йилларда бундай қараш бироз ўзгарди: умуман олганда, ҳар қандай босқичдаги иқтисодий районлар ҳам ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари шаклида кўрилса бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси, Фарғона водийси, Наманган вилояти ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва ҳ.к. Савол туғилиши мумкин: ҳақиқатда ёки реал воқеликда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси қаерда вужудга келади ва ҳар қандай жойнинг ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмасини мажмуа деб аташ мумкинми? Бу ерда, бизнинг фикримизча, масалага ҳар томонлама ёндошиш керак ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг турли хил бўлишини унутмаслик лозим. Акс ҳолда, чалкашликлар вужудга келиши муқаррар.

Албатта, иқтисодий район хўжалиги ўзининг мазмун - моҳияти ва мақсадига кўра ҳар томонлама (комплекс) ривожланиши лозим. Ана шу нуқтаи назардан иқтисодий районлар хўжалигини реал ёки потенциал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида кўриш мумкин. Бу ерда биз тушунмовчиликка имконият қолдирмаслик мақсадида бундай ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини “**маъмурий районлар даражасидаги мажмуалар**” деб юритишни таклиф этамиз. Н.Н.Колосовский айтган маънода, яъни маълум бир жойда ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро боғлиқ ҳолда жойланиши ва ривожланиши асосида вужудга келган мажмуалар эса том маънода ёки “**анъанавий ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари**”, деб аталиши тўғрироқ. Н.Н.Колосовский шогирдларидан бири М.К.Бандман бундай ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларни мамлакат аҳамиятига молик, муҳим бир муаммони ҳал этишга, бир мақсадга қаратилган *дастурли ёки муаммоли мажмуалар*, деб ёзади. Улар, одатда, реал воқеликда вужудга келади ва маъмурий чегараларга кўпинча мос келмайди. Сабаби-мазкур ҳудудий мажмуалар асосида қандайдир табиий географик объектлар, масалан, дарё ҳавзалари, қазилма бойликлар, тоғ, чўл ва бошқалар ётади.

Аммо ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари қайси маънода тушунилмасин, улар иқтисодий географияни ўрганишда энг муҳим ва самарали назариядир. Бу район хўжалигини муайян тизим даражасида қараш ва уни таркибий тузилиши бўйича таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш корхоналари орасидаги алоқадорликни назарда тутати.

Том, ҳақиқий ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари асосан янги ўзлаштирилаётган районларда, улкан табиий бойлик ва, айниқса, ёқилғи-энергетика захиралари негизида вужудга келиши билан тавсифланади. Табиийки, тарихий ривожланиш давомида аввал ўзлаштирилган ерларда вужудга келган хўжаликнинг ҳудудий таркибини мажмуага айлантиришга

караганда, янги, “соф” ёки “бўш” жойда бу мақсадга эришиш осонроқдир. Мажмуа яратувчи тармоқ сифатида эса кўпроқ ёқилғи-энергетика саноати асос бўлиб хизмат қилиши ҳам, шубҳасиз, бир ҳолдир. Масалан, Россия Федерациясидаги Братск ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасини олайлик (унинг дастлабки лойиҳасини Н.Н.Колосовский раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи яратган). Бу ерда йирик 4 млн. кВт. дан ортиқ қувватга эга бўлган сув электр станцияси қурилди ва бўлажак сув омбори майдонини ўрмондан тозалаш мақсадида ёғоч-целлюлоза саноати вужудга келди. Арзон электроэнергиянинг мавжудлиги энергияни кўп истемол қилувчи тармоқларни ўзига “тортди” ва, натижада, бу ерда учинчи йирик корхона-алюминий заводи барпо этилди. Рангли металлургия ва ўрмон саноати яна “занжирсимон” тарзда бошқа корхоналар қурилишини (жумладан, машинасозлик, кимё) тақозо этди.

Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳам тизим-таркиб ғоясига кўра кўп босқичли, поғонасимон бўлади. Бунда бирламчи элемент сифатида оддий корхона хизмат қилади. Саноат асосида вужудга келган ҳудудий мажмуаларнинг негизини, бирламчи элементини саноат корхонаси ташкил қилади ва у завод ёки фабрика кўринишида бўлади.

Шундай қилиб, ҲИЧМларнинг илмий назарий асослари таниқли олим Николай Николаевич Колосовский томонидан яратилди. У ушбу масалани иқтисодий районлаштириш муаммолари билан боғлиқ равишда ўрганди. Умуман олганда, Н.Н.Колосовскийнинг бундай дунёқарашига унинг транспорт (темир йўл транспорти) муҳандиси эканлиги ва география учун анъанавий аҳамиятга эга бўлган комплекс ёндашувининг уйғунлиги асос бўлди; “ҳудуд + комплекс” ишлаб чиқаришнинг ҳудудий бирикмалари ёки мажмуаларини (комплексларини) ташкил этади.

Чиндан ҳам комплекс-мажмуанинг⁴ илмий-амалий аҳамияти катта.

Чунончи, у:

- √ табиий шароит ва табиий ресурслардан атрофлича фойдаланиш;
- √ ишлаб чиқаришни мумкин қадар чиқиндисиз йўлга қўйиш;
- √ ишлаб чиқаришни тизим-таркиб асосида ҳудудий ташкил қилиш;
- √ иқтисодий география ва унинг асосий тушунчаси бўлган иқтисодий районларни ўрганиш;
- √ иқтисодий районлар хўжалиги таркибини қайта қуриш ва бошқаларда аҳамиятлидир.

Айтиш мумкинки, агар Н.Н.Колосовский транспорт муҳандиси, яъни ўзига хос инженерлик фикрлаш қобилиятига эга бўлмаганда, эҳтимол, бундай илмий чўққиларга, оламшумул ютуқларга эриша олмасди. Чунки, транспорт ҳамма вақт масофа ва уни кесиб (кезиб) ўтиш, ташиш, олиб ўтиш каби маъноларни билдиради; масофани мумкин қадар қисқартириш, яқинроқ йўл қидириш эса ҳар қандай муваффақиятнинг гарови, *иқтисодий географик*

⁴ “Комплекс” - байналмилал тушунча бўлиб, у бирикма, бирлашма, мажмуа, у ёки бу ходисаларнинг ўзаро алоқадорликда, таъсирда мавжудлигини англатади.

самарадорликнинг асоси ҳисобланади. Шу ўринда тайёр маҳсулот таннархи, кийматида транспорт харажатлари ҳатто 50-60 фоизгача етишини унутмаслик керак. Қолаверса, ишлаб чиқариш корхоналарнинг қулай ёки ноқулай жойлашуви, маҳсулотнинг қиммат ёки арзон бўлиши кўп жиҳатдан айнан транспорт омилига боғлиқ.

Демак, ишлаб чиқариш тармоқларини маълум иқтисодий маконда ўзаро алоқадорликда жойлаштириш, транспорт омилини эътиборга олиш, барча ёрдамчи тармоқларни (ҳозирги замон тилида-инфратузилма шахобчаларини) умумий тарзда ташкил этиш катта иқтисодий самарадорликга олиб келади. Бундай самарадорликга энергия, хом ашё, ишчи кучи ва бошқа омиллардан тўғри фойдаланиш, “масштаб самарадорлиги” (мужассамлашув) негизидагина эмас, балки “хилма-хиллик” самарадорлиги асосида ҳам эришилади.

ҲИЧМ - муайян географик нуқта ёки алоҳида районда, унинг табиий ва иқтисодий шароитлари, транспорт ва иқтисодий географик ўрнига мувофиқ корхоналарни тўғри танлаб олиш ва жойлаштириши ҳисобидан иқтисодий самарадорликга эришадиган ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиши шаклидир. ҲИЧМ-лар ғояси, биринчидан, иқтисодий районлар хўжалигини комплекс ривожлантириш ва, иккинчидан, Н.Н.Колосовскийнинг Урал-Кузнецк комбинати (УКК) ва Байкалбўйи (“Ангаркурилиш”) комплекслари лойиҳаларини яратиш ва уларни амалга тадбиқ этиш жараёнида юзага келди. Ушбу тушунча илк бор Иркутск-Черемхово мажмуасига нисбатан ишлатилди. Албатта, бунда муаллифнинг муҳандисларга хос фикрлаши, транспорт-темир йўл қурилиши мутахассиси бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг, Россия (собик Иттифок) иқтисодий география фанининг ҲИЧМлар ва иқтисодий районлар тўғрисидаги ютуғини ҳатто ривожланган мамлакатлар-АҚШ ва Германия ҳам тан олган; бевосита муаллифнинг ўзи 1948 йилда Францияда ушбу муаммолар ва уларнинг амалий ечими ҳақида илмий маърузалар қилган.

Шундай қилиб, иқтисодий география фанининг учта асосий тушунчаси: иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва энергия ишлаб чиқариш цикллари машҳур олим, география фанлари доктори, профессор Николай Николаевич Колосовскийга тааллуқли. Шу билан бирга, у транспорт географияси бўйича ҳам катта тадқиқотлар олиб борган. Н.Н.Колосовский қатор шогирдлар тайёрлаган. Улар жумласига И.М.Маергойз, С.Н.Ледовских, В.Ф.Павленко, И.И.Белоусов, Т.М.Калашникова, М.К.Бандман, А.Т.Хрушев, Н.Н.Казанский ва бошқалар киради. Ҳатто собик Иттифокда илк бор минтақавий иқтисодиёт тўғрисида монография ёзган Н.Н.Некрасов ҳам Н.Н.Колосовский илмий раҳбарлигида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Иқтисодий география ўзининг эволюцион тараққиётида бир неча босқичларни босиб ўтди. У дастлаб тасвирловчи функцияни бажарган бўлса, кейинчалик иқтисодий географиянинг аналитик хусусияти кучайди, ҳодиса ва воқеалар фақат тасвирланмасдан, улар илмий таҳлил асосида таърифланди

ва тавсифланди. Мазкур фан ривожланишининг учинчи босқичи синтез, яъни таҳлил натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш (диагностика) билан боғлиқ бўлди. Ҳозирги кунда эса иқтисодий географияда прогноз ва бошқарув (худудий менежмент), жамият ва ишлаб чиқариш кучларини худудий ташкил этиш функциялари ҳам ривожланмоқда.

Минтақавий хавфсизлик тизимини яратиш кейинги ўн йилликдаги энг муҳим мавзулардан бири бўлиб қолди. Ушбу мавзу нафақат назарий, балки кўпроқ амалий аҳамиятга эга эканлиги халқаро муносабатларда унинг долзарблигини янада кучайтиради. Чунки шўро тизими ҳамда Варшава шартномасининг парчаланиши оқибатида Евроосиё қитъасида кўплаб янги давлатларнинг пайдо бўлиши, ер юзидаги энг улкан қитъада кучларнинг стратегик мувозанатининг қайтадан тақсимланишини тақозо этди. Россия улкан худудини сақлаб қолган бўлсада, қудратли салтанатдан минтақавий даражадаги давлатга айланди ва бугунги кунда ўзининг илгариги қудратини тиклашга уринмоқда⁵.

Хитойнинг нафақат ҳарбий балки иқтисодий қудрати ҳам кескин кучайиб кетди. АҚШнинг Евроосиё қитъаси атрофидаги таъсир доираси йилдан-йилга кенгайиб борди. Нафақат қитъада, балки бутун ер юзида стратегик мувозанатнинг қайтадан ўрнатилиши бир неча йилларга ҳатто бир неча ўн йилликларга чўзилиши мумкин. Бу жараёнда Кавказ ёки Марказий Осиё каби минтақалар у ёки бу куч ёки кучлар бирлигининг гравитацион майдони доирасига тортилиб бориши табиий. Марказий Осиё минтақаси ҳам турли кучлар билан жадал геосиёсий таъсирлашувга киради ва ўз ўзидан у ёки бу қудрат атрофида ягона географик ва сиёсий бирлик шаклида ёки алоҳида алоҳида ҳолда бирлашади. Акс ҳолда Марказий Осиё республикалари ўзаро бирлашган ҳолда алоҳида сиёсий ва иқтисодий қудрат барпо этишлари керак бўлади. Бунинг учун эса аввало минтақавий хавфсизлик тизимини барпо этиш талаб этилади.

Геосиёсий тадқиқотларга кўра Евроосиёда кечаётган барча геосиёсий жараёнлар тарихан шаклланган қатъий қонуният асосида қитъанинг марказига интилишга қаратилган. Бунга биринчи жаҳон ва иккинчи жаҳон урушлари яққол мисолдир. Бундан ташқари, кейинги жаҳон урушидан сўнг авжига чиққан қуролланиш пойгаси ҳам геосиёсий тадқиқотларда акс этган ер юзида минг йиллардан давом этиб келаётган икки куч қарама-қаршилигини ифода этади. Кенг маънода «хартланд» ва «римланд» ўртасида зиддият, бошқача айтганда ер юрагига интилиш бугунги кунда ҳам юз йиллардан бери давом этиб келаётган геосиёсий жараёнларни белгилаб бермоқда. Бу жараёнлар геосиёсатчи олимлар томонидан чуқур илмий тадқиқотлар орқали ўрганилган ва айнан ушбу изланишлар кўпгина ҳарбий ҳаракатларининг назарий асоси бўлиб хизмат қилган. Ер юзидаги энг қудратли давлатлар айнан геосиёсий тадқиқотлар асосида ўз ташқи стратегиясини қуришган, ташқи сиёсат борасида муҳим қарорлар айнан

⁵ Аммо Россия сиёсатидаги айрим прагматик кучлар фикрига кўра ҳарбий-сиёсий қудратни тиклашга уриниш беҳуда, фақат ортикча сарф-харажатни келтириб чиқарувчи империяча кайфият маҳсулидир.

геосиёсатчиларнинг қатъий маслаҳатларига таянган ҳолда амалга оширилган. Буни Британияда ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида яшаб ўтган Хэлфорд Маккиндер ҳамда ўтган асрнинг сўнги чорагида алоҳида шов-шувга сабаб бўлган геосиёсатчи олимлар С.Хантингтон, Ф.Фукуяма ёки З.Бжежинскийлар мисолида яққол кузатиш мумкин.

Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти ва унинг хавфсизлиги тўғрисида ҳам даставвал исмлари қайд этилган хорижлик мутахассислар ва геосиёсатчилар атрофлича фикр билдиришган. Чунки Марказий Осиё қитъадаги энг йирик кучлар, жумладан, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Эроннинг ўртасида жойлашганлиги туфайли унинг турли манфаатлар тугунида эканлигини бирдиради. Минтақавий хавфсизлик тўғрисидаги ҳар қандай тадқиқот айнан геосиёсий нуқтаи назардан қўлга олиниши, минтақанинг турли геосиёсий кучлар ҳамда марказлар ўртасида жойлашганлигидан келиб чиқилиши керак бўлади. Бунинг учун эса аввало геосиёсий фаннинг туб моҳиятини англаш ҳамда минтақавий хавфсизлик тизимини шу фанга тегишли қоидалар асосида қуриш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий фанлардаги муҳим йўналишлардан бири бўлган геосиёсатнинг халқаро муносабатларда, айниқса, давлатлар ўртасида стратегик мувозанатни сақлашдаги амалий аҳамияти ўтган асрда кўпроқ намоён бўлди. Лекин шунга қарамадан ҳозирга қадар геосиёсатни илмий йўналиш сифатида легитимлаш масаласи охиригача ҳал этилгани йўқ. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор. Шунга қарамадан геосиёсат, халқаро муносабатларда муҳим ўрин эгаллаётганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди ва шу туфайли унинг туб моҳиятини тадқиқ этиш, Марказий Осиё атрофида кейинги йилларда рўй бераётган геосиёсий жараёнларни англаш нуқтаи назаридан айниқса, муҳимдир.

Геосиёсатнинг тарихи анча мураккаб бўлганлиги туфайли унинг фан сифатидаги тақдири ҳам мавҳумдир. Бир томондан, тушунчанинг ўзи ҳозирги сиёсатда фаол қўлланилаётган бўлса, иккинчи томондан геосиёсий журнал ва институтлар кўпайиб бормоқда. Ушбу фан асосчиларининг асарлари қайта-қайта нашрдан чиқмоқда, конференциялар, симпозиумлар ўтказилмоқда, геосиёсий қўмиталар ва комиссиялар тузилмоқда. Лекин, шунга қарамадан, ҳозирги кунгача геосиёсат илмий ҳамжамият томонидан тан олинган фанлар сирасига кира олмаган. Немис олими Ф.Ратцел, швед географи Р.Челлен ва асосан, инглиз географи Х.Маккиндернинг геосиёсатга оид илк асарлари олимлар томонидан кескин танқидга учради. Илк позитивизмнинг ўта танқидчилик руҳини тўлалигича ўзига мерос қилиб олган мумтоз (классик) илм-фан “геосиёсат ўта чексиз умумлашмаларга мойил эканлигини таъкидлаб уни “қаллобликнинг” навбатдаги бир тури деб ҳисоблаган эди.

Қайсидир маънода, геосиёсатнинг фан сифатидаги бундай ачинарли тақдири масалан,инг сиёсий томони билан ҳам боғлиқ бўлганлигини таъкидлаш зарур. Чунки ушбу фан негизида Учинчи Рейхнинг ҳарбий жиноятлари ҳисобланган босқинчилик, оммавий қирғинлар, кўчиришлар ва бошқа уруш ҳаракатлари гўёки назарий жихатдан немис геосиёсатчилари

томонидан уйдирмалар билан тўлиб тошган илм сифатида тайёрланиб Гитлерга таклиф этилган, деган фикрлар шаклланган эди. (Бу ерда авваламбор фюрерга бир вақтлар жуда яқин бўлган немис геосиёсатчиси Карл Хаусхофер назарда тутилган). Лекин немис геосиёсати назарий даражаси жиҳатидан англосаксон (Макиндер, Мэхэн, Спикмен) ва француз (Видаль де ла Бланш) геосиёсати ҳамда рус “ҳарбий географияси”дан (Милютин, Снесарев) ҳеч қандай фарқ қилмаган. Бу ерда фарқ Хаусхофернинг мантикий ҳамда ушбу фанга ғоятда мос бўлган фикрларида эмас, балки унинг томонидан ишлаб чиқилган қатор қоидаларни тадбиқ этишдаги усуллардадир. Бундан ташқари, 30-40 йиллардаги Германиянинг халқаро сиёсати Хаусхофер ғояларига батамом қарама-қарши эди. Чунки Берлин-Москва-Токио йўналишидаги “континентал блок” ўрнига Совет Иттифоқига хужум қилиш, Lebensraum доктринасидаги «ҳаётий муҳим ҳудудлар»ни (Шмидтнинг “халқлар ҳуқуқлари” назарияси руҳига мос равишда) бирлаштирувчилик шаклида тушуниш ўрнига миллатчилик, империализм ва бошқалар. Шунини таъкидлаш жоизки, рус олими А.Дугиннинг ёзишича Хаусхофер яратган мактаб ва унинг “Zeitschrift für Geopolitik” номли журнали ҳеч қачон расмий нацист тизимининг таркибий қисми бўлмаган ⁶. Учинчи Рейхдаги консерватив инқилобчилар деб аталадиган кўпгина интеллектуал гуруҳлар сингари улар ҳам икки хил мазмунда фаолият олиб боришган. Уларнинг бундай мазмундаги фаолиятига тоқат қилишсада, бундай муносабат сиёсий вазиятга боғлиқ бўлиб, ҳар дақиқада ўзгариши мумкин эди. Бироқ, геосиёсатни фан оламига киритмасликнинг энг асосий сабаби ушбу назария давлатларнинг жуғрофий ҳукмронликка интилишларини, бошқача айтганда кучли давлатлар томонидан турли ҳудудларни эгаллаш механизмларни жуда ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб бериши эди. Турли табиатга эга бўлган сиёсий тизимлар бўлса, бундай механизмларни очикдан очик эмас, балки турли-туман мавҳум иборалар ёки ўзига хос ғоявий дастурлар орқали ифодалашни исташар эди. Бу маънода, геосиёсатнинг моҳияти ва мақсадларини марксизм билан қийслаш мумкин.

Мумтоз сиёсий иқтисод ишлаб чиқариш муносабатларининг моҳияти ва уларнинг тарихий тараққиёт босқичлари билан алоқаларини мукамал тарзда очиб бергани сингари, геосиёсат ҳам халқаро, давлатлараро ва миллатлараро муносабатларга таъсир этувчи ҳақиқий туб ричагларни кўрсатган ҳолда ташқи сиёсатнинг тарихий демагогиясини очиб беради. Бироқ, агар мумтоз сиёсий иқтисод иқтисодий тарихнинг умумбашарий миқёсда таҳлил этилиши бўлса, геосиёсат халқаро муносабатлар тарихининг таҳлили ҳисобланади. Ушбу кейинги фикр жамиятнинг геосиёсатчи-олимларга бўлган иккиёқлама муносабатининг асл сабабларини очиб беради. Илмий ҳамжамият уларни кескин танқид қилган ҳолда ўз муҳитига кўшилишларига қаттиқ қарши турадилар, бироқ айна пайтда ҳокимият

⁶ Қаранг: Дугин А. Основы геополитики. – М.: Арктогея, 1997., стр.68-72.

органлари халқаро стратегияни ишлаб чиқишда яратилган геосиёсий қоидалардан тўлиқ фойдаланаётганларини сезмайдилар. Масалан,, геосиёсат фанининг отаси, унинг ҳақиқий асосчиси, дастлабки геосиёсатчилардан бири бўлган сэр Хэлфорд Макиндер билан ҳам худди шундай бўлган. Ҳаялари илмий давраларда тан олинган бўлмасада, олимнинг ўзи Англиянинг XX аср биринчи ярмидаги халқаро сиёсатини шакллантиришда бевосита иштирок этган. У яратган Англия халқаро стратегиясининг назарий асослари ўтган юз йилликнинг ўрталарида АҚШликлар томонидан қўлга киритилган ва Макиндернинг америкалик, кенгроқ ифода этилганда атлантист издошлари томонидан ривожлантирилган.

Бизнинг фикримизча, геосиёсатни мумтоз сиёсий иқтисод назарияси билан қиёслаш ҳақиқатдан ҳам муваффақиятли бўлиши мумкин. Чунки ушбу назариянинг услубларини билган ҳолда турли кутблардан фойдаланиш мумкин. Сиёсий иқтисод ҳукмрон доиралар учун ҳам меҳнаткашлар учун ҳам айна даражада муҳим. Геосиёсат ҳам худди шундай, яъни у йирик давлатлар вакилларига ҳудудий ҳукмронликни сақлаш ва янги ҳудудларни босиб олишни қандай амалга ошириш тўғрисида маълумот берса, уларнинг рақиблари эса ушбу фан моҳиятида “миллий озодлик” деб номланадиган инқилобий назариянинг асосий тамойилларини ўрганишлари мумкин. Масалан,, Ғарб давлатларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда Марказий Европа давлатларини заифлаштириш ва Германияни бостиришга қаратилган Версал шартномаси айнан Макиндер мактаби томонидан тайёрланган эди. Макиндернинг немис шогирди Карл Хаусхофер бўлса худди шу қоидалардан келиб чиқиб, “Европани қутқаришнинг” Версал шартномаси мантиғини бутунлай инкор этадиган ва энди туғилаётган миллатчи-социализм мафқурасининг асоси бўлган бутунлай қарама-қарши назарияни ривожлантирди.

Сўнги далиллар шуни кўрсатмоқдаки, мумтоз фанлар сафига қабул қилинмаган бўлсада, геосиёсат амалий жиҳатдан ўта самарали, айрим жиҳатлари билан эса кўпгина умумлашган илмий дастурлардан тубдан фарқ қилади.

Нима бўлганда ҳам, геосиёсат бугунги кунда мавжуд ҳамда секинлик билан бўлсада расмий жиҳатдан тан олинмиш билан бирга ўзига муносиб мавқе қозониб бормоқда. Лекин, бу жараёнда ҳам ҳамма нарса тўқис эмас.

Ҳар қадамда “геосиёсат”ни турли тушунчалар билан алмаштирилаётганлигини ва шунга кўра ушбу атаманинг соҳага тегишли бўлмаган мутахассислар томонидан қўлланилиши одатий ҳолга айланаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Урғу геосиёсат фанининг асосчилари томонидан яратилган тўлиқ ва умумий геосиёсий манзарадан, хусусий минтақавий ҳодисалар ва геоиқтисодий схемалар томон оғиб кетмоқда. Бу ҳолатда ибтидоий қоидалар бўлган геосиёсий дуализм, стратегиялар рақобати, цивилизациялар ранг-баранглиги ва бошқалар ё эътиборга олинмайди ёки пинҳона тарзда бутунлай инкор этилади. Бошқа бирор бир фанда бундай ҳолатни тасаввур этиш қийин бўларди.

Геосиёсатнинг таърифи. Геосиёсий мактаблар намоёндалари яратган илмий ишлар, уларнинг турлича, ҳатто зиддиятли эканлигига қарамасдан ягона умумий манзара доирасида жамланиши, ушбу фанни қандайдир тугал ва аниқ мажмуа дейиш имконини беради. У ёки бу муаллифлар ва луғатлар ушбу фаннинг асосий предмети ҳамда бош услубий тамойилларини белгилашда бир-бирларидан фарқланишади. Бундай бўлиниш тарихий шарт-шароитлардан, шунингдек, геосиёсатнинг дунё сиёсати, ҳокимият муаммолари ва ҳукмрон мафкуралар билан чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиқади. Геосиёсатнинг синтетик характери унинг таркибида география, тарих, демография, стратегия, этнография, диншунослик, экология, ҳарбий иш, мафкура, социология, сиёсатшунослик тарихи ва ҳақозо кўпгина кўшимча фанларнинг қўшилиб кетганлиги билан изоҳланади. Санаб ўтилган табиий, ижтимоий ва ҳарбий фанлар ўзларига мансуб кўпгина мактаблар ва йўналишларга эга бўлганлиги туфайли, уларнинг геосиёсатга қатъий тегишлилиги тўғрисида гапиришга ўрин йўқ. Демак, бу қадар ўта муҳим ҳамда самарадор, айти пайтда ҳаддан ташқари кенг камровли бўлган ушбу фанга қандай таъриф бериш мумкин?

Геосиёсат бу дунёқараш ва бундай ҳолда уни фанлар билан эмас, балки фанлар тизими билан қиёслаш лозим. У ҳам сиёсий иқтисод ёки либерализм сингари, жамият ва тарихни талқин қилишда асосий тамойил сифатида қандайдир битта ўта муҳим мезонни ажратган ҳолда инсон ва табиатнинг қолган барча сон-саноксиз қирраларини унинг атрофида мужасамлаштирадиган тизимлар билан бир қаторда туради.

Сиёсий иқтисод ва либерализм инсон ҳаёт-фаолиятининг иқтисодий жиҳатини талқин қилишда “иқтисоднинг муқаррарлиги” тамойилига асосланади. Ушбу икки мафкура бир-бирига қарама-қарши хулосаларга келганлиги муҳим эмас. XIX аср иккинчи яримида яратилган немис иқтисодчилари антикапиталистик инқилобнинг муқаррарлиги ҳақидаги фикрга келган бўлсаса, инглизлар капитализмни жамиятнинг энг мукамал шакли деган хулосани илгари суришган. Биринчи ҳолатда ҳам, иккинчисида ҳам тарихий жараённи талқин қилишда турли фанлардан кенг фойдаланиш услуби, яъни социология, анропология ва сиёсатшунослик каби фанларга таяниш илгари сурилади.

«Иқтисодий редуқционизм»нинг ушбу шакллари айрим илмий уюшмалар томонидан мунтазам танқид қилинганлигига қарамасдан, улар энг устувор ижтимоий моделлар бўлиб, одамлар улар асосида нафақат ўтмиш ҳақида фикрлайдилар, балки бутун инсониятга бевосита тааллуқли бўлган улкан ишлар ҳақида мулоҳаза юритадилар, режалар тузадилар ва уларни амалга оширган ҳолда келажакларини ҳам қуришади.

Геосиёсат билан ҳам худди шундай. Лекин, у “иқтисодий мафкуралардан” фарқли ўлароқ “жуғрофий рельеф – тақдири азал” деган фикрга асосланган.

Сиёсий иқтисод ва либерализмда ишлаб чиқариш муносабатлари ва пул қандай вазифани бажарса география ва ҳудуд геосиёсатда худди шу

вазифани бажаради. Инсон ҳаётининг барча муҳим жиҳатлари уларга боғлиқ қилиб кўрсатилади, улар ўтмишни талқин қилишнинг бош усули, ҳаётнинг барча жабҳаларини ўз атрофига қамраб олган инсон борлигининг асосий омили сифатида намоён бўлади. Иқтисодий мафкураларда бўлгани каби геосиёсат ҳам умумлаштириш, ҳаётнинг серқирра кўринишларини бир неча ўлчов доирасига тўплаш билан характерланади. Лекин (бундай назарияларга доимо хос бўлгани каби) азалдан гумроҳликка маҳкум этилганлигига қарамасдан, геосиёсат ўтмишни тушунтиришда энг мукамал назария, бугунги сиёсатни шакллантириш ва келажакни режалаштиришда энг самарали мажмуа эканлигини яққол исботламоқда.

Агар Ғарбдаги мумтоз сиёсий иқтисодиёт билан параллелни давом эттирсак, шуни айтиш мумкинки, иқтисодий мафкура «иқтисодий инсон» (homo economics) тамойилига алоҳида урғу берадиган бўлса, геосиёсат ўзи яшаётган ҳудуд (макон) белгилаб берган, шу ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, рельефи, ландшафтига боғлиқ ҳолда ва улар асосида шаклланган «худудий инсон» категориясига асосланади. Бироқ бундай алоқадорлик инсоннинг давлатлар, этнослар, маданиятлар, цивилизациялар ва ҳақозоларда юритадиган кенг миқёсдаги ижтимоий фаолиятида яққолроқ намоён бўлади. Ҳар бир шахснинг озми-кўпми иқтисодиётга муқаррар боғлиқ эканлиги аён. Шунинг учун ҳам иқтисодий детерминизмнинг моҳияти оддий одамлар учун ҳам, йирик-йирик ижтимоий қатламларни назорат қиладиган ҳокимият бўғинлари учун ҳам бирдек равшан. Инсонларнинг айнан иқтисодий эҳтиёжларини акс эттирганлиги учун ҳам инқилобий кучга эга бўлган ҳамда бирлаштирувчилик вазифасини бажарган иқтисодий мафкуралар одамлар орасида оммавийлашиб кетган. Геосиёсатнинг асосий ғояси бўлган инсоннинг жуғрофий муҳитга боғлиқлиги яқка ҳолдаги шахсдан узоқлашган сари намоён бўла боради. Шунинг учун ҳам гарчи дастлабки асослар мавжудлигига қарамасдан геосиёсат том маънодаги мафкурага, тўғрироғи “оммавий мафкурага” айлана олмаган. Унинг хулоса ва услублари, таққиқот предмети ва асосий қоидалари ижтимоий ва тарихий характердаги умумбашарий қонуниятларни фикрлаш, стратегик режалаштиришнинг улкан муаммолари билан шуғулланувучи ижтимоий қатламлар учунгина тушунарли бўлиши мумкин. Макон жуда катта ўлчовларда намоён бўлади ва шу туфайли геосиёсат ҳам давлатлар, халқлар ва ҳақозо умумлашган воқеликлар билан боғлиқ ижтимоий гуруҳларга мўлжалланган.

Геосиёсат бу географик ҳукмронлик дунёқараши, ҳукмронликнинг ана шу кўриниши ҳақидаги ва шундай ҳукмронликни ўрнатиш учун яратилган фандир. Инсон ижтимоий жиҳатдан юқори табақа томон яқинлашган сари геосиёсат унинг учун аҳамият, мазмун ва манфаат касб эта боради, бунга қадар эса у мавҳумликдан бошқа нарсани англатмайди.

Геосиёсат (ҳам амалдаги, ҳам муқобил сиёсий кучлар учун бир хил аҳамиятга эга бўлган) сиёсий оқсуяклар учун яратилган фан бўлиб, унинг тарихи бу фан билан фақатгина мамлакатлар ва миллатларни бошқаришда

фаол иштирок этадиган ёки (гап тарих тақозоси билан ҳокимиятдан четлаштирилган муқобил мафкуравий гуруҳлар ҳақида кетганда эса) шу вазифани бажаришга тайёрланаётган кишилар шуғулланишганлигини катъийлик билан исботламоқда.

Геосиёсат илмий катъийликни даъво қилмасдан, ўзи учун муҳим бўлган ва иккинчи даражали фанларни ўз даражасига кўра белгилаб олади. Бошқа ижтимоий ва табиий фанлар геосиёсий услубнинг асосий тамойилларига зид келмаган тақдирдагина тадқиқот доирасига жалб этилади. Геосиёсат қайсидир маънода ўзи учун фойдали бўлиб туюлган фанлар ёки фан йўналишларини танлаб олиб қолган барчасини четлаб ўтади. Ҳозирги пайтда геосиёсат ер юзиде етакчилик қилувчи энг қудратли давлатларнинг қисқача луғатига айланган бўлиб, у иттифоқлар тузиш, уруш бошлаш, ислохотлар ўтказиш, жамиятни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, кенг қамровли иқтисодий ҳамда сиёсий дастурларни жорий қилиш ва ҳақозо шу каби муҳим қарорларни қабул қилиш борасида нималарни эътиборга олиш кераклиги тўғрисида қисқача хулосаларни ўз ичига олган географик ҳукмронлик дарслигидир.

Геосиёсий қонунлар сиёсий тарих, дипломатия тарихи ҳамда стратегик режалаштиришни таҳлил этишда жуда қулай. Ушбу фан социология, сиёсатшунослик, этнология, ҳарбий стратегия, дипломатия, дин тарихи ва ҳақозо кўпгина фанлар билан кесишув нуқтасига эга. Билвосита бўлсада ушбу фаннинг кўпгина ҳолларда иқтисодиёт билан ҳам чамбарчас боғлиқлиги яққол кўзга ташланади, шундан келиб чиққан ҳолда баъзи геосиёсатчилар ҳатто геоиқтисодиёт номли янги фанни таъсис этишни тақлиф этганлар. Ҳар ҳолда геосиёсий услубнинг айрим жиҳатларида иқтисодий воқеликка муурожаат қилиш зарурдир.

Ҳозирги пайтда турли фанларнинг синтезлашиши, кўшилиши, фанлараро янги умумий фанлар (макрофанлар) ва серқирра андозалар тузилиши жараёнида геосиёсат ҳам назарий тадқиқотлар учун ҳам сайёра миқёсида ёки маълум бир давлат ёки давлатлар ҳамжамияти миқёсидаги мураккаб цивилизациян жараёнларни бошқаришда амалий жиҳатдан ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлиб бормоқда. Бу келажак фани бўлиб, унинг асослари нафақат махсус ўқув юртлари ва академияларда, балки оддий мактабларда ҳам ўқитилади.

Геосиёсий таҳлил орқали давлатлар ва халқлар тарихий тараққиётининг бутун бир даврларини осонгина тушуниш мумкин. Бугунги даврга хос бўлган ахборот майдонининг кенгайишида бундай оддий ва яққол редукцион услубнинг пайдо бўлиши муқаррардир, акс ҳолда инсон хилма-хил ва кўпқиррали билимларнинг тартибсиз оқимида ўзини батамом йўқотиб кўйиши мумкин. Геосиёсатнинг илмий мажмуа эканлиги масаласида баҳс юритишда бебаҳо мавзудир. Унинг таркиби шундайки, айнан бугунги мактаб тараққиётининг янги босқичида асосий фан бўлиб қолиши мумкин.

Шу билан бирга, геосиёсатнинг ижтимоий соҳадаги аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Ахборотнинг ривожланиш даражаси, оддий инсоннинг

бутун минтақа микёсида рўй бераётган ходисаларга фаол жалб этилганлиги, оммавий ахборот воситаларининг “мондиализация”си, буларнинг барчаси геосиёсий атамалардаги фазовий тафаккурни биринчи ўринга олиб чиқади ва у халқлар, давлатлар, тузумлар ва динларни соддалаштирилган ягона шкала доирасида турлашга ёрдам беради. Бу эса энг оддий теле- ва радио янгиликларнинг ҳам маъносини оз бўлсада тушунарли қилишга ёрдам беради. Халқаро муносабатларга оид янгиликларга нисбатан heartland, rimland, World Island каби энг оддий геосиёсий атамалар қўлланилган захотиёқ барча учун қандайдир аниқ манзара шаклланади, рўй берган воқеани англаш учун махсус билим талаб қилинмайди. “НАТО нинг Шарққа кенгайиши” ушбу ёндашув бўйича “rimland ҳажмини талассократия фойдасига кенгайишини”, “Германия ҳамда Франция ўртасидаги Европа харбий кучларини тузиш тўғрисидаги битим” эса “минтақавий теллуократик тузилма томон қўйилган қадам”, “Ироқ ва кувайт ўртасидаги тўқнашув бўлса минтақадаги давлатларнинг қирғоқ ҳудудларини бевосита назорат қилишга ҳалақит бераётган сунъий талассократик тузилмаларни йўқ қилишга интилиши”ни билдиради ва ҳақозо.

Ва ниҳоят, геосиёсий услубиятнинг ички ва ташқи сиёсатга таъсири ҳақида. Агар сиёсий партиялар, ҳаракатлар ёки ҳокимият тузилмалари ҳатти-ҳаракатларининг геосиёсий мазмуни маълум бўлса, уларни умумбашарий манфаатлар тизими билан қиёслаш ва ўз навбатида асл мақсадларини ҳам билиб олиш мумкин. Масалан,, Россиянинг Европа давлатлари (асосан, Германия) билан интеграцияси -теллуократик кучлар, яъни евросиёликлар қўйган қадамдир, бу ҳодиса асосида мамлакатда “социалистик” ғояларнинг сўзсиз равишда кучайиши мумкинлигини олдиндан айтиш мумкин. Аксинча,, Москванинг Вашингтон билан яқинлашиши талассократик йўналиш асосида рўй бериши ва “бозор муносабатлари” тарафдорларининг кучайиши муқаррарлигини билдиради.

Худди шундай, ички геосиёсий қонуниятлар воситасида мамлакат доирасида айирмачиликнинг сиёсий сабаб ва хусусиятлари, шунингдек, турли маъмурий тузилма ва вилоятлар ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама тузиладиган турли хил битимларнинг туб моҳиятини осонгина англаш мумкин. Ҳар бир воқеа геосиёсий усул орқали қаралганда аниқ маънога эга бўлади. Ушбу геосиёсий мазмун воқеанинг ягона ва асл моҳияти (ultimo ratio) деб қаралиши керак эмас, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам у таҳлил ҳамда истиқболни белгилашда юқори даражада мазмундор ва фойдали бўлади.

Геосиёсий тадқиқотнинг илмий-услубий негизи қисқача ана шулардан иборат бўлиб, уни геосиёсат фанига кириш деб ҳам қабуллаш мумкин. Бугунги кунда геосиёсатга оид дарслик ҳамда қўлланмаларнинг мавжуд эмаслиги ушбу фан доирасида чуқур илмий изланишлар зарур эканлигини кўрсатмоқда.

Назорат саволлари:

1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий тушунча ва категориялари.
2. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб илмий тадқиқот йўналишларини аниқланг.
3. Худудий мажмуаларнинг шаклланиши жараёнларини тушунтиринг.
4. Минтақавий сиёсат ва геосиёсий тадқиқотлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Анна Баттимер. Путь в географии. – М.: Прогресс, 1990.
2. Асанов Г. Р. Социал – иқтисодий география. Термин ва изоҳли тушунчалар луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 248 б.
3. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избранные труды. – М., 1980.
4. Зокиров Ш., Тошев Х. География тарихи. – Бухоро, “Дурдона”, 2015.
5. Максаковский В.П. Историческая география мира. – М., 1999.
6. Поросенков Ю.В., Поросенкова Н.И. История и методология географии. – Воронеж, 1991.
7. Саушкин Ю.Г. История и методология географической науки. – М.: МГУ, 1980.
8. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. – М., 1984.
9. Солиев А. Иқтисодий география: назария, метод ва амалиёт. – Т., 2013.
10. Солиев А. Худудий мажмуаларнинг назарий асослари.- Тошкент: Университет, 2007.
11. Солиев А. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: Университет, 2014.
12. Социально-Экономическая география: понятия и термины. – Смоленск, 2013.
13. Скопин А.Ю. Введение в экономическую географию. – Смоленск., 2013,
14. Трофимов А.М. Шарыгин М.Д. Общая география (Вопросы теории и методологии). – Пермь, 2007.

3-Мавзу: Иқтисодий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари

Режа:

1. Географияда фронтал ва фундаментал тадқиқотлар.
2. География фанининг ижтимоийлашуви, иқтисодийлашуви ва географийлашуви”.
3. География фанида дифференциация ва интеграция жараёнларининг бориши.

Таянч сўзлар: Табиат, жамият, ҳудуд, география, иқтисодий география, тадқиқот, дифференциация, интеграция, географик синтез, социаллашув.

1. Географияда фронтал ва фундаментал тадқиқотлар.

География фанининг бир бутунлиги ва, айни вақтда, унинг икки қаноти – табиий ҳамда иқтисодий (аниқроғи – ижтимоий) географиянинг мавжудлиги ушбу фаннинг фронтал ривожланишини таъминлаб беради. Модомики, географиянинг бош фалсафий масаласи табиат ва жамият ўртасидаги ҳудудий муносабатлар экан, табиатни табиий география, жамиятни эса иқтисодий эмас, кенг кўламли ижтимоий география ўрганadi.

Таъкидлаш жоизки, дастлабки табиий географик билимлар ижтимоий географиядан кўра олдинроқ вужудга келган, чунки табиат жамият шаклланишидан аввалроқ ҳам бор эди. Ижтимоий (иқтисодий) география фанининг вужудга келиши эса ижтимоий, сўнгра ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва шу асосда савдо-сотик, хунармандчилик билан боғлиқ бўлган. Эҳтимол, табиий географиянинг юқоридаги генетик хусусияти унда дифференциация жараёнининг олдинроқ юзага келишига олиб келган. Чунончи, геология ва табиий география қиррасида геоморфология, физика билан табиий география ўртасида иқлимшунослик, метеорология каби фанлар ривожланиб борган. Кейинчалик табиий географиянинг эволюцион тараққиётида ландшафтшунослик катта аҳамият касб этган ва у ушбу фаннинг марказидан жой олган. Зеро ландшафт барча табиий географик жараёнларни, уларнинг натижаларини ўзида мужассамлаштиради⁷.

Иқтисодий география фанининг, бизнингча, *уч тарихий манбаси* бор. Уларнинг энг биринчиси, албатта, табиий география ҳисобланади. Сабаби,

⁷ Муаллиф табиий география фанини тўлиқ билишга асло даъво қилмайди. Бинобарин, унинг бу мулоҳазаси аниқ бўлмаслиги мумкин.

иқтисодий географиянинг (у кейинчалик ижтимоийга айланган) дастлабки йўналиши – кишлоқ хўжалиги ёки, ҳозирги замон тили билан айтганда, агрогеография, хусусан деҳқончиликнинг чорвачиликдан ажралиб чиқиши ва, айниқса, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши бевосита табиий географик омиллар, яъни жойнинг тупроғи, ҳарорати, намлик кўрсаткичлари таъсирида вужудга келган. Худди шундай, табиий географик омиллар асосида ўрмон хўжалиги, балиқчилик, тоғ-кон саноати сингари иқтисодиёт йўналишлари ривожланган.

Ҳозирги иқтисодий (ижтимоий) география фанининг қолган икки генетик манбаи сифатида немис статистикаси ва немис штандорт назариялари хизмат қилган. Статистика, яъни дастлабки ҳолатдаги унинг мазмуни – давлатшунослик негизида сиёсий ва унинг бир йўналиши – ҳарбий география ҳам шаклланган. Штандорт назарияси (И.Тюнен, А.Вебер, В.Кристаллер, А.Лёш ва бошқа олимлар ғоялари) эса бевосита ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви, унинг омиллари ва қонуниятларини ўрганувчи турдош фанлар: иқтисодий география ҳамда анча кейин “майдонга чиққан” минтақавий иқтисодиётнинг вужудга келишида назарий асос ҳисобланган.

Шу ўринда эслатиш лозимки, иқтисодий географиянинг фанлар тизимидаги ўрни, унинг айна пайтда ҳам табиий, ҳам ижтимоий фанлар тизимига мансублиги бу фаннинг тарихий ривожланиб боришида ўзига хос хусусиятларни касб этган. Масалан, иқтисодий география дастлаб статистика, иқтисодиёт таркибига кирган ва фақат XX асрнинг 30 – йилларида у *статистика – тармоқ* йўналишидан *районлар* йўналишига ўтган (унинг асосчилари Н.Н.Баранский, С.В.Бернштейн-Когон бўлган). Ушбу йўналишнинг ҳаддан ташқари тез ривож топиши, кичик-кичик худудлар, турли миқёсдаги иқтисодий районлар тавсиф-ланишига ҳам устувор аҳамият берилиши, айна вақтда, иқтисодиёт тармоқларига эътиборни анча сусайтирди. Ваҳоланки, ҳар қандай иқтисодий географик тадқиқот тармоқ ва худудий (район) ёндашувларнинг ўзаро уйғунлашуви, “тармоқ – худуд – тармоқ - худуд” тизимида олиб борилишини тақозозтади ва бу ҳақиқат мазкур фаннинг методологик талабларидан биридир. Тармоқ йўналишининг географлар томонидан бутунлай унутилиши ёки унга эътиборнинг кучсизланиши “худуд - тармоққа” урғу берилишининг ортида методологик бўшлиқ, вакуум ҳосил бўлишига олиб келган ва бу “эгасиз” қолган жойда қисман худудий фикрловчи иқтисодчилар ёки иқтисодий фикрлаши устунроқ бўлган географлар томонидан гибрид фан – минтақавий иқтисодиёт “яратилган”. Бу фанларнинг вужудга келиши катта баҳс – мунозараларга сабаб бўлган ва оқибатда ўзаро келишувга келинган: минтақавий иқтисодиёт – географийлашган иқтисодиёт, иқтисодий география – иқтисодийлашган география сифатида эътироф этилган.

Сирасини айтганда, минтақавий иқтисодиётнинг назарий асоси иқтисодий география ҳисобланади. Қолаверса, XX–асрнинг 60–йилларида “Минтақавий фанлар уюшмасининг” асосчиси Пенсильвания университети

география факультетининг декани У.Айзард (Изард) бўлган. 1970 – йилларда собиқ Иттифоқ Давлат режалаштириш кўмитасининг раиси, дастлабки “Минтақавий иқтисодиёт” монографиясининг муаллифи Н.Н.Некрасов эса таниқли иқтисодий географ Н.Н.Колосовскийнинг аспиранти бўлган⁸.

Иқтисодий географиянинг минтақавий иқтисодиёт билан ўзаро “талашуви” унинг тарихий илдизи ва доимий яқин сафдоши бўлган табиий географиядан бироз узоқлаштирди. Баъзи етакчи иқтисодий географлар иқтисодчилар орасида “географ”, ўзларининг география жамоасида эса “иқтисодчи” бўлиб қолишди. Аслида бундай эмас, иқтисодий география илм – фан маконида ўзига муносиб, мустақил ижтимоий мавқеи, нуфузига эга.

Иқтисодий географик тадқиқотларнинг деярли барчаси у ёки бу даражада, албатта, табиий география маълумотларига таянади, уларга иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан баҳо берилади. Ҳар қандай географ ўз тадқиқотида бевосита ёки билвосита табиий географик омилларга мурожаат қилади. Бу унинг энг муҳим касбий сифати бўлиб, айти вақтда илмий детерминистик дунёқарашга ҳам мос келади. Профессор З.М.Акрамов ва у яратган агрогеографик тадқиқотлар йўналишнинг вакиллари Р.Ҳодиев, Т.Эгамбердиев, С.Саидкаримов, М.Юсупов, А.Рўзиев, Е.Умаров, Қ.Алланов, М.Маҳмудова ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида табиий географик омиллар, хусусан агроиқлимий ресурслар бевосита иштирок этган.

Ўзбекистон бажарилаётган иқтисодий географик тадқиқотларнинг аксариятида жойларнинг табиий географик хусусиятлари ҳисобга олинади. Бинобарин, иқтисодий географияга бу борада эътироз билдириш ноўриндир. Жумладан, Т.Жумаевнинг тоғ ҳудудлари географияси, Ю. Аҳмадалиевнинг ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича олиб бораётган тадқиқотлари, Ш.Жумахоновнинг дарё-сой ҳавзаларида аҳоли жойлашув тизимининг шаклланиши, З.Тожиеванинг ҳудудларнинг демографик сиғими ҳақидаги изланишлари, Н.Комилова ва М.Ҳамроевларнинг тиббий география, З.Райимжоновнинг “ресурс шаҳарлар”, Т.Шотўраев ва Ш.Азимовларнинг сув омборлари, Х.Турсуновнинг урбозэкология, Б.Зиёмухамедовнинг рекреация, М.Усмоновнинг туризм географияси, А.Сатторовнинг Сурхондарё вилояти кишлоқ аҳоли пунктларининг жойлашуви, А.Мавлоновнинг чўл ҳудудлари шаҳарлари, П.Қурбоновнинг Жанубий Ўзбекистон минтақасида урбанизация жараёни, А.Баратовнинг ирригация тизимларидан фойдаланишга оид илмий ишлари табиий географик омиллар билан сингдирилган. Бундай мисоллар қаторини яна кенгайтириш мумкин. Умумий хулоса шундан иборатки, иқтисодий географик тадқиқотлар табиий географига “содиқ” ҳолда иш тутадилар. Аммо, акс вазият ҳам шундай–ми? Табиий географик тадқиқотлар ҳам иқтисодий географик хулоса ва тавсияларга олиб келадими, уларга “чиқадими”? Фикримизча, ҳар доим ҳам бундай мувозанат, муносабат (паритет), афсуски, унча кузатилмайди.

Тўғри, тан олиш керак, Л.Бабушкин, Ф.Мўминов, Т.Мухторов,

⁸ Марказий Осиё давлатларида биринчи “Минтақавий иқтисодиёт” бакалавр йўналиши ҳам 1998/1999 ўқув йилида ТошДУ “Иқтисодий география” кафедраси негизда А.Солиев ташаббуси билан йўлга қўйилган эди.

А.Абдуллаев, А.Абулқосимов, П.Баратов, Ш.Зокиров, А.Маматов, А.Рахматуллаев, А.Соатов, Б.Камолов, Ф.Ҳикматов, И.Назаров, А.Низомов, Р.Усмонова каби табиий географлар ва гидрологларнинг илмий ишлари иқтисодий географик мазмунга ҳам эга. Айниқса, А.Рафиқовнинг мелиоратив географияси, Ҳ.Ваҳобовнинг муҳандислик географияси, А.Абулқосимов ва унинг издошларини антропоген ландшафтлар ҳақидаги тадқиқотлари иқтисодий географияга анча яқин туради. Инсон ва ишлаб чиқариш таъсирида табиий муҳитнинг ўзгариши, салбийлашуви ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари геоэкологик йўналишнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Бундай аввал таъкидлаганимиздек, амалий аҳамияти ҳам энг аввало шунда. Бирок, назаримда, ижтимоий-иқтисодий мақсадларни, натижаларни кўзда тутиш барча табиий географик изланишларда ҳам мавжуд эмас. Ҳар ҳолда жойнинг ер усти тузилиши ёки иқлими, тупроғи, гидрогеографияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўз-ўзича эмас, пировард натижада аҳоли ва унинг яшаш шароити, хўжалик тармоқларининг жойланиш ёки жойлаштириш имкониятлари нуқтаи назаридан тавсиф, тадқиқ ва таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Географ учун мамлакатимиз иқлимининг континенталлиги ёки унинг геосиёсий ўрни, денгиз ва океанлардан узоқда жойлашуви, ер усти тузилишини шунчаки билиш муҳим эмас, қолаверса, бунинг учунгина географ бўлиш ҳам шарт эмас. Энг муҳими бундай иқлимий ва бошқа географик шароитнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий оқибатлари, уларнинг мамлакатимиз ривожига таъсирини чуқур англашдир.

Хуллас, парокандаликка тушмаслик учун табиий ва иқтисодий (ижтимоий) географлар ҳамжиҳат, ҳамнафас ва ўзаро мустаҳкам иттифоқда бўлмоқлари даркор. Бу икки фаннинг бир кишида мужассамлашувини ўтмишда В.М.Четиркин, ҳозирда эса В.Федорко илмий ишларида кўришимиз мумкин. Хусусан, унинг табиий-хўжалик районлаштириш тўғрисидаги илмий ишлари табиий ҳамда иқтисодий-ижтимоий географик ёндашувнинг ўзаро уйғунлашуви асосида олиб борилмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, бугунги фанларнинг дифференциялашуви ва интеграциялашуви шароитида тадқиқотчининг қайси бир йўналишни кўпроқ билиши, унга ихтисослашуви талаб этилади. Зеро, сирасини айтганда, “умуман географ”, унинг барча соҳаларини бирдай даражада биладиган шахснинг ўзи ҳам ҳозирги кунда бўлмаса керак. Умуман географ ёки кимёгар йўқ, балки бу фанларнинг аниқ соҳаларига ихтисослашган географ ёки кимёгар бор, холос.

Сўнгги йилларда географик синтез, бу фаннинг синтез қудрати ҳақида кўп гапирилади. Аммо ҳар қандай синез тизим-таркиб ва гносологик нуқтаи назардан анализсиз бўлмайди; бир бутунликни билиш учун аввал уни алоҳида қисмларга ажратиб ўрганиш ва шу асосда умумий хулоса чиқариш, қонуниятларни аниқлаш зарур. А.Гумбольдтнинг тўлиқ географик фикрлаши ҳам айнан шундай методологик ёндашувдан келиб чиқади. Бинобарин, география фанини унинг табиий ва ижтимоий қисмларисиз талқин ва ташфиқ қилиш ҳақиқатга зиддир. У ҳолда география фан эмас, оддий ўқув предмети

бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам баъзи Европа мамлакатларида уни умумтаълим мактаблар ўқув режасидан бутунлай чиқариб ташлаш фикрлари пайдо бўлган. Географияни ҳам барча фанлар қаторида кўриш, ижтимоий нуфузини кўтариш учун уни чексиз рақам ва фактлардан кутқариш, номенклатур йўналишдан воз кечиш керак. Афсуски, географияда фактлар кўп, ғоялар эса оз; нимагадир ўқувчилар мактабда И.Ньютон, Пифагор ёки Ч.Дарвин, К.Линней, Фарадей каби олимлар яратган қонуниятлар, ихтироларни билишади-ю, географияда фақат “энг-энг” кўрсаткичларни (энг узун дарё, энг катта орол, энг чуқур жой, энг баланд чўққи, энг кўп автомашиналар ёки ишлаб чиқарадиган давлат ва ҳ.к. ва б.) қуруқ ёдлаб олишга мажбур қилинади. Наҳотки, бизнинг фанимизда ҳам умумтаълим мактаблари даражасида бирор-бир қонуниятлар бўлмаса? Шубҳасиз, улар бу фанда ҳам бор, аммо унинг ўқитилиши, дарсликларимизда камчиликлар бор.

Географик синтез ички ва ташқи, кўп қатламли бўлади. Биринчиси ушбу фаннинг ички тузилмаси, уларнинг ўзаро интеграциясида, иккинчиси, бошқа фанлар билан алоқасида намоён бўлади. Бу иккиликда, назаримда, энг аввало, фанимизнинг мустаҳкам ва мустақил бўлиши учун унинг ички, горизантал ва вертикал алоқалари ривожланган бўлмоғи зарур. Бу хусусда ҳам икки босқич бор: биринчиси – табиий ва ижтимоий географик фанлар таркибидаги алоҳида фан ёки йўналишларнинг ўзаро интеграцияси бўлса, иккинчиси – табиий ва ижтимоий географиянинг ўзаро муносабати назарда тутилади. Табиий географияда ички дифференциация жараёнлари, фанларнинг турланиши аввалроқ бошланган ва ҳозирги кунда бироз сусайган. Иқтисодий географияда эса бундай жараён кечроқ бошланиб, бугунги кунда жадал давом этмоқда. Аънавий иқтисодий география аҳоли ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси орқали иқтисодий ва социал географияга, сўнгра унинг ижтимоий географияга айланишига тиббиёт, жиноят-чилик, таълим, маданият географияси каби йўналишларнинг вужудга келиши мисол бўла олади. Бунга иқтисодий географиянинг ижтимоийлашуви, ижтимоий соҳаларнинг мураккаблиги ва кўп қирралиги сабаб бўлмоқда.

Географик синтезнинг юқори ёки иккинчи даражаси унинг ташқи, фанлараро алоқаларига асосланади. Бу борада айтиш жоизки, фанимизнинг “географик ўрни” ҳам ўзига хос, қулай. Модомики, қачон ва қаерда **худуд** тўғрисида сўз борар экан, унинг эгаси албатта география бўлганидек, бу фан жуда кўп бошқа фанлар билан алоқа қилади, фақат уларнинг худудий жиҳатлари бўлса, бас. Бинобарин, *қатор фанларнинг ўзларини эгаси бор ва, шу билан бирга, уларнинг умумий бир эгаси бор, у ҳам бўлса география.* Бу фан, фалсафий дунёқараш нуқтаи назаридан, кўпчилик фанларнинг (биология, тупроқшунослик, тиббиёт, иқтисодиёт, сиёсат, демография, психология, социология ва б.) “умумий махражи” ҳисобланади. Сабаби, ҳар қандай ҳодиса ёки воқелик маълум бир вақтда (даврдан, замондан) ва муайян бир жойда – макондан содир бўлади. Шунинг учун ҳам биологияга турдош ўсимликлар ва ҳайвонлар географияси ёки геоботаника ва зоогеография каби

шунга ўхшаш бошқа фанлардан “қўшалок” йўналишлар вужудга келган. Геоморфология, метеорология ва иқлимшунослик, геоэкология, геосиёсат, минтақавий иқтисодиёт, нозогеография, геопсихология, геокриминология, урф-одат географияси (“поведенческая география”), топо-нимика сингари фан ёки илмий йўналишлар ҳам мавжуд ва уларнинг сони тоборо кўпайиб бормоқда.

Хатто фанимизга номланиши жуда яқин бўлган геологияда ҳам бундай хусусият йўқ. Масалан, ўсимликлар геологияси, тупроқлар геологияси мавжуд эмас. У асосан физика, кимё сингари айрим фанлар билан “қўшма” йўналишлар ҳосил қилади (геокимё, геофизика, гидрогеология ва б.). Гарчи ҳар икки фаннинг ҳам ўзаги “гео” бўлса-да, геологияда у асосан *ер*, географияда эса *ҳудуд*, *жойни* англатади.

Шундай қилиб, табиий ва ижтимоий географиянинг тенг ҳуқуқлик ҳамкорлиги, уларнинг ички тузилмасини жипслиги ва мустаҳкамлиги, бир бутунлиги, умумий география фанининг “ташқи” алоқалари унинг ситез салоҳиятини кучайтиради, илмий ва амалий аҳамиятини, ижтимоий нуфузини кўтаради. Аммо негадир, халқ, омма тасаввурида география бу асосан табиий география, харита ёки тоғу-тошлар, чўлу-биёбонлар билан шуғулланадиган оддий ўқув предмети сифатида сингилиб кетган. Бундай номувофикликни, жўшқин табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаракатларга бой олам сирларини билувчи география фанимизни ноҳақ камситишни бартараф этиш география таълимида жиддий ўзгаришларни талаб қилади. Бу борада ўқувчиларда ҳам табиий, ҳам ижтимоий-иқтисодий географик замонавий билимларни уйғунлаштирган ҳолда шакллантирувчи дарсликларни яратиш ҳам шу куннинг долзарб масаласидир.

Назорат саволлари:

1. Замонавий иқтисодий географик тадқиқотларнинг методологик асосларини тушунтиринг.
2. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий тадқиқот усулларини изоҳланг.
3. Сўнгги йилларда иқтисодий географик тадқиқотларда ижтимоийлашув жараёнлари сабабларини аниқланг.
4. Ижтимоий география фанида дифференциация ва интеграция жараёнларининг боришини тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Анна Баттимер. Путь в географии. – М.: Прогресс, 1990.
2. Асанов Г. Р. Социал – иқтисодий география. Термин ва изоҳли тушунчалар луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 248 б.
3. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избранные труды. – М., 1980.
4. Зокиров Ш., Тошев Х. География тарихи. – Бухоро, “Дурдона”, 2015.

5. Максаковский В.П. Историческая география мира. – М., 1999.
6. Поросенков Ю.В., Поросенкова Н.И. История и методология географии. – Воронеж, 1991.
7. Саушкин Ю.Г. История и методология географической науки. – М.: МГУ, 1980.
8. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. – М., 1984.
9. Солиев А. Иқтисодий география: назария, метод ва амалиёт. – Т., 2013.
10. Солиев А. Ҳудудий мажмуаларнинг назарий асослари.- Тошкент: Университет, 2007.
11. Солиев А. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: Университет, 2014.
12. Социально-Экономическая география: понятия и термины. – Смоленск, 2013.
13. Скопин А.Ю. Введение в экономическую географию. – Смоленск., 2013,
14. Трофимов А.М. Шарыгин М.Д. Общая география (Вопросы теории и методологии). – Пермь, 2007.

4-Мавзу: Тадқиқотлар бўйича хорижий назария ва концепциялар

Режа:

1. Ижтимоий географик тадқиқотлар.
2. Иқтисодий география ва минтақавий иқтисодиёт.
3. Шаҳарлар географияси ва геоурбанистикага оид тадқиқотлар.

Таянч сўзлар: Худуд, иқтисодий ва ижтимоий география, минтақавий иқтисодиёт, шаҳар, урбанизация, агломерация.

1. Ижтимоий географик тадқиқотлар

Ҳозирги иқтисодий ва ижтимоий география қатор МДХ мамлакатларида «Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва рекреация географияси» сифатида тан олинган ва айнан шу ихтисосликда фан номзодлиги ва докторлиги диссертациялари ҳимоя қилинади. Бу ерда ижтимоий тушунча икки хил маънога эга: тор маънода социал, кенг маънода эса у барча соҳаларни, ҳатто иқтисодий масалаларни ҳам қамраб олувчи ижтимоий географияни англатади.

Мазкур фаннинг юқоридаги учлик таркибига мувофиқ уч хил тадқиқот макони бўлади. Бунда социал макон ҳудудий жиҳатдан анча кичик, иқтисодий макон-ўртгача ва сиёсий макон нисбатан катта ҳудудни қамраб олади. Аввалроқ, иқтисодий макон, унинг турли босқичлари, яъни мамлакат миллий иқтисодиёти, минтақавий иқтисодиёт (асосий иқтисодий районлар ва вилоятлар миқёсида) ҳамда унинг таркибидаги ҳудудий бирликлар ва уларга мос ҳолда ҲИЧМ-лар тўғрисида маълумот берилган эди.

Социал макон деганда кишиларнинг кундалик муайян ҳудуддаги ҳаётини, ўзаро алоқаларини тушунамиз. Бунда турли касб, миллат, ёш ва жинсдаги аҳолининг яшаш жойи, унинг ҳудудий умумийлиги (социуми) назарда тутилади. Масалан, маҳалла, ишчилар, тўқимачилар, авиасозлар, темир йўлчилар, талабалар шаҳарлари ва ҳ.к.

Демак, социал география аҳолининг социал (ижтимоий), ва табиий муҳит билан алоқасини ўрганади. Чунончи, унга дин, жиноятчилик, тиббиёт, фан ва илмий тадқиқотлар географияси, рекреация ва туризм географиялари киради. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари эса бевосита социал ва ижтимоий-иқтисодий география ўртасида туради ва у иқтисодий географиянинг социаллашуви йўналишидаги дастлабки муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам ўз навбатида турли хил: бунга маиший хизмат кўрсатиш соҳалари, таълим, савдо, тиббий, молиявий,

хуқуқий ва бошқа хизмат кўрсатиш (сервис) соҳалари мисол бўла олади. Географик жиҳатдан ушбу тармоқ корхоналарининг жойлашуви ҳам ҳудудий мажмуа (ҲМ) шаклида бўлади. Бироқ бундай ҲМ лар ишлаб чиқариш тармоқларидаги мажмуалардан ўзларининг анча кичик ҳудудий вужудга келиши билан фарқ қилади.

Масалан, таълим тизимини олайлик: ўрта ёки ўрта махсус мактаблар фақат ўқув бинолари эмас, балки кутубхона, спорт майдончаси билан биргаликда жойлаштирилади. Бундай ҳудудий мажмуалар айниқса олий ўқув юртлари жойлашувида яққол кўзга ташланади. Жумладан, Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида иккита университет (Миллий университет ва техника университети), талабалар уйи, спорт мажмуаси, савдо шаҳобчалари, кутубхона, поликлиника, академик лицей ва бошқалар ўзига хос ҳудудий мажмуани ташкил этади. Нисбатан кичикроқ ҲМ республикамизнинг бошқа олийгоҳлари асосида ҳам мавжуд. Айниқса, бу борада Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро, Қарши, Нукус, Урганч, Андижон давлат университетлари, Жиззах педагогика институтлари ажралиб туради.

Худди шунга ўхшаш ҳудудий мажмуалар қишлоқ хўжалиги олийгоҳлари учун айниқса хосдир. Уларда, юқоридагилардан ташқари, тажриба участкалари, турли хил илмий лабораториялар ҳам мавжуд бўлади. Шунингдек, илмий тадқиқот институтлари ҳам ҳудудий мажмуа шаклига эга. Қолаверса, алоҳида университет ва илмий тадқиқот институтлари асосида шаҳар ва шаҳарчалар вужудга келган (Кембриж, Гарту, Дубна, Пушкино, Гатчино, Академгородок, Улуғбек ва ҳ.к.) Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Академиклар шаҳарчаси»да Ўзбекистон ФА-га қарашли қатор илмий тадқиқот институтлари ўрнашган.

Тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари ҳам ўзига хос ҳудудий мажмуаларни ташкил этади. Масалан, туғуруқ мажмуалари, турли хил йириклик ва ихтисослашган касалхоналар яқинида поликлиника, дорихона, ташхис бўлими каби тиббиёт муассасалари ва инфратузилмалари жойлашган.

Тошкент шаҳридаги Тиббиёт академиясига қарашли 1 ва 2 нчи тиббиёт институтлари, Педиатрия институти клиника ва ўқув бўлимларидан иборат. Шунингдек, барча вилоятлар марказида тиббиёт шаҳарчалари ҳудудий мажмуа шаклида мавжуд.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш, уларни ёнилғи билан таъминлаш кабилар ҳам кичик кўламдаги ҳудудий мажмуалар кўринишига эга. Масалан, шаҳарларнинг турли мавзе ва даҳаларида маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари (комплекслари) жойлашган. Уларнинг таркибига пойафзал, совутгич ва бошқа уй-рўзгор асбобларини, аудио ва видеоаппаратларни таъмирлаш, расмга тушиш ва баъзан ҳаммом, сартарошхона ва бошқалар киради.

Дин географиясида ҳам ҳудудий мажмуаларни кўриш мумкин. Бунга, энг аввало, мусулмон мамлакатлари учун машҳур ва муқаддас ҳисобланган

Макка ва Мадина, Қуддуси Шариф (Иерусалим), Бухорои Шариф, Мозори Шариф, Машҳад каби шаҳарлар айна вақтда диний ҳудудий мажмуалар ҳисобланади.

Умуман олганда, мазор, бозор ва вокзаллар ҳар бир жойнинг тарихи, кадрияти (ўтмиши), бойлиги ва бутлиги (бугуни), ташқи ҳудудлар билан алоқаларини акс эттирган ҳолда, ўзлари ҳам мажмуа шаклида ташкил қилинган. Шу ўринда улар атрофидаги ўзига хос геокриминоган вазият ёки хавф борлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Кўпгина қадимий, тарихий шаҳарлар ўзларининг қабристон-мозорлари билан машҳур. Масалан, Самарқандни Шоҳи Зинда, Амир Темур, Бухорони Баҳовуддин Нақшбандий, Исмоил Сомоний мақбараларисиз тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, юртимиз ва қўшни ҳудудларда бундай муқаддас қадамжолар «оға», «бобо» кўшимчалари билан номланади (Зангиота, Нурота, Оқсоқота, Авлиёота, Сулаймон бобо ва б.).

Қабристонлар даставвал шаҳарларнинг четида, уларнинг дарвозаларидан ташқарида вужудга келган. Кейинчалик шаҳарлар ҳудудининг кенгайиб бориши билан қабристонлар уларнинг ичкарасида бўлиб қолган. Ҳозирги кунда йирик, қўхна қабристонлар яқинида масжиду-мадрасалар борки, уларни ҳам ҳудудий мажмуалар деб айтиш мумкин.

Турли хил қадамжой ва зиёратгоҳлар айна вақтда туристик аҳамиятга ҳам эга. Чунончи, Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий ва Маҳдуми Аъзам бир-бирига яқин жойлашган ва улардан диний (туристик) ҳудудий мажмуа сифатида фойдаланиш мумкин. Хива шаҳридаги Ичан қалъа, Термиз атрофидаги Ат-Термизий ва бошқа тарихий ёдгорликлар, археологик топилмалар ҳам шундай мазмун касб этади.

Рекреация ва туризм географиясидаги ҳудудий мажмуалар дам олиш, соғлиқни тиклаш, нотаниш жойлар билан танишиш, уларни ўрганиш ва маънавий озуқа олиш имкониятини беради. Уларнинг ўз таркибига санатория (сиҳатгоҳ), туристик объектлар, хусусан археологик ва қадимий ёдгорликлар, туристик хизматни ташкил қилувчи муассаса (бюро), унга шароит яратувчи туристик инфратузилма, чек сотувчи, таржимонлар хонаси, автомобил парки, меҳмонхона, сувенир сотувчи ва бошқа дўконлар, овқатланиш жойлари кабилар киради. Туристтик ва рекреация мажмуалари айна вақтда ҳам кичик (шаҳар ичида), ҳам шаҳар доирасида, баъзан янада каттароқ ҳудудларда ташкил этилади.

Шарқ олами, хусусан бизнинг Ўрта Осиё ва унга туташ мамлакатлар тарихи ва географиясини ўрганишда уларда мавжуд бўлган бозорларнинг аҳамияти катта. Қадимда бозорлар шаҳарлар маъносини билдирган, бозори бор жойлар шаҳарлар деб аталган (бундай ҳолат Хитойнинг Уйғур автоном вилоятига ҳам тааллуқлидир). Бозорлар очик ва ёпиқ ҳолда қурилган, уларнинг яқинида карвонсаройлар ташкил этилган. Бозор, марказий иншоотлар жой олган ҳудуд Шаҳристон, унинг атрофи эса Работ (Работ) номлари билан аталган.

Албатта, бозорларнинг аввалги хусусиятлари айниқса бизнинг юртимиз учун ўзига хос бўлган. Масалан, бозор ҳафтанинг алоҳида кунларида (аввал жума, кейинчалик якшанбада) ташкил қилинган. Сўнгра бундай кунлар чоршанба, пайшанба ва ҳатто электр энергиядан тежамли ва самарали фойдаланиш мақсадида турли жойларда навбатма-навбат ҳафтанинг турли кунларида ўтказилган. Ҳозирги вақтда эса ҳамма жой бозор ва ҳар кун бозор.

Бугунги кунда ҳам қишлоқ туманларида бозорлар нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маданий-маърифий, ахборот аҳамиятга эга. Рўзғор юмушлари, камчиликларини бажаргандан сўнг, одатда, эркак кишилар (ҳозир эса бозорчилар аёлларимиз бўлиб қолди) сой бўйидаги бири-биридан шинам, салқин жойлардаги чойхона ва ошхоналарда дам олишади, овқатланишади, қавму-қариндош, оғайнилари билан учрашишади, янгиликлар билан фикр алмашишади.

Хуллас, бозор ва унинг атрофидаги, ҳозирги замон тили билан айтганда инфратузилма объектлари, автомобиллар вокзали ва бошқалар ҳудудий мажмуаларни ташкил этади. Агар аввал карвон саройларда от-арава, туя, эшак, сўнгра велосипед, мотоцикл, ҳозирда эса махсус автотурар жойларда турли хил русумдаги автомобиллар сақланади.

Юртимизда маҳаллалар аҳамиятининг нақадар катталиги барчага маълум. Хусусан маҳаллалар марказида жойлашган гузарлар (чойхона, сартарошхона, ҳаммом, турли хил дўконлар, маҳаллий хизмат кўрсатиш хоналари) кичик ҳудудий мажмуа шаклида бўлиб, уларнинг ҳам тарбиявий аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Афсуски, бундай қадимий миллий анъана ва удумларимиз, одоб, одат ва тарбияларимизга эътибор бироз сусаймоқда. Шу боис мамлакатимиз раҳбарияти маҳаллаларга, бир жойда яшовчи аҳолининг ҳудудий бирлиги, яъни жамога катта эътибор қаратмоқда.

Сиёсий географияда ҳам ҳудудий мажмуалар мавжуд. Уларнинг ҳудудий кўлами, қамрови иқтисодий ва айниқса социал мажмуалардан кескин фарқ қилиб, анча катта майдонларни (мамлакатларни) ўз ичига олади. Бундай ҳудудий мажмуалар кўпинча ҳарбий, иқтисодий, иқтисодий-сиёсий мазмунга эга бўлади. Чунончи, НАТО, СЕАТО кабилар бевосита ҳарбий мақсадларга қаратилган. Даставвал Рим клуби (1956 й.), кейинчалик умумий бозор, ҳозирда эса сон жиҳатидан тобора кўпайиб, кенгайиб бораётган Европа Иттифоқи 20 ва ундан зиёд давлатлардан иборат. Унинг маркази Брюссел шаҳри ҳисобланади. Дарвоқе, бу шаҳарда НАТО-нинг ҳам «штаб-квартираси» жойлашган. Европа Кенгаши эса ҳукуқий мазмунга эга бўлиб, унинг маркази Страсбург шаҳридир.

Бенилюкс кўшни мамлакатларнинг (Бельгия, Нидерландия ва Люксембург) ўзаро ҳамкорлигини ифодаловчи ҳудудий-сиёсий иқтисодий мажмуа шаклида ташкил топган. Ҳозирги кунда бундан янада каттароқ МДХ, Евросиё, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги кабилар ҳам мавжуд.

Шунингдек, жаҳон сиёсий харитасида Араб мамлакатлари лигаси (1945 й., маркази-Қоҳира), Осиё-Тинч океани давлатларининг иқтисодий ҳамкорлиги –АСЕАН (1989 й., унга ҳам 20 дан ортиқ мамлакатлар киради), ЭКО (1993 й.), Шимолий Америка эркин савдо минтақаси-НАФТА (1992 й., АҚШ, Канада ва Мексика), Жанубий Америкадаги МЕРКОСУР, Кавказ ва Қора денгиз бўйидаги ГУАМ кабилар ҳам ҳудудий иқтисодий-сиёсий мажмуалар ҳисобланади. Албатта, уларнинг шаклланганлик даражаси, амалиёти ва таъсир доираси ҳар хил. Бироқ, айнан бундай ҳудудий уюшма ва мажмуалар, халқаро миллий компания ва концернлар, дунёвий шаҳарлар бугунги глобаллашув жараёнида жаҳон ҳамжамиятининг реал ҳолати ва ривожланиш йўналишларини белгилаб беради.

Иқтисодий география ўзининг эволюцион тараққиётида бир неча босқичларни босиб ўтди. У дастлаб тасвирловчи функцияни бажарган бўлса, кейинчалик иқтисодий географиянинг аналитик хусусияти кучайди, ҳодиса ва воқеалар фақат тасвирланмасдан, улар илмий таҳлил асосида таърифланди ва тавсифланди. Мазкур фан ривожланишининг учинчи босқичи синтез, яъни таҳлил натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш (диагностика) билан боғлиқ бўлди. Ҳозирги кунда эса иқтисодий географияда прогноз ва бошқарув (ҳудудий менежмент), жамият ва ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш функциялари ҳам ривожланмоқда.

Кўриниб турибдики, иқтисодий география анча бой ва анъанавий тарихга эга. Унга кўра минтақавий иқтисодиёт (МИ) фан сифатида анча кейинроқ шаклланди. Мазкур йўналишнинг ёки районлар (регионлар) ҳақидаги фаннинг асосчиси америкалик олим, Пенсильвания университети география факультетининг декани, профессор Уольтер Изард (Айзард) ҳисобланади. У Нью-Йоркда нашрдан чиққан “Жойлаштириш ва минтақавий иқтисодиёт” (1956) ҳамда “Регионал таҳлил методи: регионлар тўғрисидаги фанга кириш”⁹ (1960) номли асарларида регионлар тўғрисидаги фан ёки регионика ва унинг алоҳида қисми бўлган минтақавий (регионал) иқтисодиёт масалаларини кенг ва атрофлича ёритди. Изард регионлар тўғрисидаги фанларнинг Халқаро ассоциациясини ҳам ташкил қилди ва бошқарди.

Изарднинг минтақавий иқтисодиёти, албатта, қисман бўлсада ундан олдин яратилган назарий ғоялар, чунончи И.Тюнен, А.Вебер, А.Лёш, В.Кристаллер сингари немис иқтисодчиларини асарларини ҳисобга олган ҳолда вужудга келган. Шунингдек, бу ерда Перру, Будвиль, Лаунхардт, Паландер, Гувер каби Ғарбий Европа олимларининг илмий асарлари ҳам аҳамиятлидир.

Минтақавий иқтисодиёт учун энг муҳим ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масаласи фанда даставвал немис олимлари томонидан ўрганилган. Бундай тадқиқотлар натижасида ҳудудий иқтисодиёт, ҳудудий омиллар, агломерация, мужассамлашув, иерархия, иқтисодий ландшафт, марказий жойлар каби тушунчалар пайдо бўлди ва улар ҳозирги илмий адабиётларда кенг қўлланилмоқда.

⁹ Олимнинг ушбу асарлари инглиз тилидан рус тилига таржима қилинган.

Собиқ Иттифоқ даврида Давлат Бош планининг раиси акад. Н.Н.Некрасов етмишинчи йилларда ўзининг “Минтақавий иқтисодиёт” (Региональная экономика) китобини нашр эттирди¹⁰. У бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш кучларини ўрганувчи кенгаш (СОПС) нинг ҳам раиси бўлган. Шунга ўхшаш илмий тадқиқот муассасалари Украина, Тожикистон ва Ўзбекистон республикаларида ҳам ташкил қилинган бўлиб, у кўпроқ ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ҳудудларни иқтисодий районлаштириш муаммолари билан машғул эди. Бу тадқиқотда иқтисодчилар билан биргаликда иқтисодий географлар ёки асосий маълумоти иқтисодий география бўлганлар ҳам фаол қатнашарди (масалан, профессор З.М.Акрамов ҳамда ушбу китобнинг муаллифи турли йилларда мазкур кенгашда ишлаган). Ўрни келганда айтиш керакки, Собиқ СССР да айнан мазкур кенгаш ишларида ҳозирги “Минтақавий иқтисодиёт” шаклланди ва ривожланиб борди. Чунончи, Ўзбекистон ФА қошидаги собиқ СОПС олимларининг фаолияти туфайли Иттифоқда илк бор *ҳудудлар иқтисодий ривожланиши муаммоларини комплекс ўрганиши* илмий йўналиши вужудга келган эди.

Шундай қилиб, авваллари МИ ва ИГ орасида деярли фарқ йўқ эди, олимлар ҳам бунга эътибор беришмасди. Соҳаси иқтисодий географ бўлган Н.Н.Колосовский, Н.Н.Баранский, И.М.Маергойз, Т.М.Калашникова ва бошқалар томонидан яратилган ёки ривожлантирилган ҳудудий меҳнат тақсимоли, иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, халқ хўжалигининг ҳудудий таркиби ёки тизими, энергия ишлаб чиқариш цикллари каби фундаментал ғоялар кейинчалик фақат географларнигина эмас, балки айтиш чоғда иқтисодчиларники ҳам бўлиб қолди ва бунга ҳеч ким эътироз билдирмасди¹¹.

Н.Н.Некрасов ўзининг асарида минтақавий иқтисодиётни таърифлаб, анъанавий иқтисодий географияни асосан табиий ресурслар ва уларни хўжалик жиҳатдан баҳоловчи фан сифатида қаради ва уни ноҳақ камситди, тадқиқот доирасини чеклаб қўйди. Балким шунинг учун бўлса керак, Ю.Г.Саушкин сўнгги асарида “иқтисодий географлар ўзларининг эришган муҳим ютуқларини йўқотиб қўймоқдалар ва бу ҳақда мен кимга арзимни айтишимни билмайман”, деб ноилож ачиниб ёзган эди.

Н.Н.Некрасовнинг бундай фикри кўпгина иқтисодчи ва географлар орасида анчагина шов-шув ва қизғин баҳс-мулоҳазаларга сабабчи бўлди. Пировард натижада, “ярашилган” (компромисс) хулоса чиқарилди: *минтақавий иқтисодиёт – бу географийлаштирилган иқтисодиёт, иқтисодий география эса иқтисодийлаштирилган география*, деб муросага келишилди ва бу ҳақда ўша даврнинг нуфузли журналида ахборот берилди. Бошқача қилиб айтганда, МИ аниқ иқтисодиёт ва иқтисодий география қиррасидаги фан сифатида тан олинди.

¹⁰ Н.Н.Некрасовнинг илмий раҳбари географ олим Н.Н.Колосовский бўлган.

¹¹ Марказий Осиёда “Минтақавий иқтисодиёт” бакалавр йўналиши илк бор бевосита ушбу китоб муаллифи ташаббуси билан ТошДУ – ЎзМУнинг география факультети иқтисодий география кафедраси негизида 1998/1999 ўқув йилида очилган ва 2003/2004 ўқув йилига қадар юздан ортиқ талабалар уни битиришган.

Аммо шунга қарамасдан, юқоридаги баҳс-мунозаралар айрим салбий оқибатларга олиб келди. Эҳтимол, бунга Н.Н.Некрасовнинг обрў ва амали ҳам таъсир қилган бўлса керак. Чунончи, ўша даврдаги халқ хўжалиги туркумидаги олийгоҳларда, жумладан, Тошкент халқ хўжалиги институтида (ҳозирги Иқтисодиёт университети) мавжуд бўлган иқтисодий география кафедраларининг номлари тўғридан-тўғри “Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш” – деб ўзгартирилди, уларни айримлари ҳозирги кунда “Минтақавий иқтисодиёт” номини олишди. Қизиғи шундаки, кафедралар номи ўзгарсада, уларда ишловчи мутахассислар ва ўқиладиган фанлар мазмуни деярли ўзгармай, илгарилигича қолди, кадрлар таркиби эса кўпроқ таянч маълумоти иқтисодий география бўлган мутахассислардан шаклланган (бундан Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Молия институти ҳам истисно эмас)¹².

Биз юқорида ИГ ва МИ нинг “эгизак” фанлар эканлиги, уларнинг бири-бирига қондош ва қариндошлигини, улар ўртасида “Хитой девори” йўқлигини асослашга уриниб кўрдик. Бироқ, ўхшашлик мутлоқ бир хиллик, ягоналик эмас. Мазкур фанлар ўртасидаги ўхшашликлар ва тафовутлар куйидагича тавсифланиши мумкин:

1. МИ ва ИГ нинг тадқиқот объектлари бир – ишлаб чиқаришни маълум ҳудудда жойланиши. Лекин, биринчиси учун энг муҳими ишлаб чиқаришнинг, аниқроғи ишлаб чиқариш тармоқларининг иқтисодий жиҳатдан ҳудудий жойланиши бўлса, иккинчиси учун эса ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий таркиби ва тузилмаси, ҳудудий ташкил этилиши устуворроқ аҳамиятга эга.

2. МИ муайян, алоҳида район ёки ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштиришни иқтисодиёт нуқтаи назаридан таҳлил этади ва баҳолайди. ИГ эса турли мамлакат ёки районларда ишлаб чиқариш кучларининг жойлашув хусусиятлари ва ҳудудий тафовутларини, уларга таъсир этувчи омил ҳамда шароитларни ҳисобга олган ҳолда қиёсий ўрганеди.

3. МИ – да таҳлил ҳудуддан тармоққа, ИГ – да тадқиқот тармоқдан ҳудудга томон олиб борилади; биринчисида ҳудудий тизимда тармоқ таркибига, иккинчисида тармоқ тизимидан ҳудудий таркиб йўналишига урғу берилади. Шу билан бирга, иқтисодий географияда бу занжир анъанавий тарзда узунроқ: тармоқ → ҳудуд (район) → тармоқ; ваҳоланки, минтақавий иқтисодиётда у асосан ҳудуд (район) → тармоқ шаклига эга¹³.

4. Тан олиш керак: МИ – торроқ бўлсада, у чуқурроқ ва, бинобарин, амалиётга яқинроқ, аниқроқ фандир. Иқтисодий география тадқиқот предмети, қамровининг кенглиги сабабли у кўпроқ тасвирловчи ва тавсифловчи фан, айримлар назарида ҳатто ноҳақ равишда у фақат ўқув предмети сифатида эътироф этилади. Демак, иқтисодий географлар учун

¹² Москва шаҳридаги Молия институти Минтақавий иқтисодиёт кафедраси мудири Т.Г.Морозова ўзи ҳам, деярли қолган барча кафедра аъзолари ҳам маълумоти бўйича иқтисодий географ.

¹³ В.В.Покшишевский “қаерда сўз ҳудуд тўғрисида борар экан, унинг эгаси албатта география бўлади”, деб ёзган эди (1979).

иктисодий билимлар ва ҳисоб-китобларни кучайтириш, чуқурлаштириш, конструктив, яъни амалий йўналишларни ривожлантириш муаммолари долзарбдир. Минтақавий иқтисодиёт учун эса ҳудудий омилларни, ишлаб чиқариш билан ҳудуд ўртасидаги муносабатларни, жумладан, табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти, геоэкологик ва иқтисодий районлаштириш, ҲИЧМ муаммоларини ҳам ўрганиш талаб қилинади.

5. МИ – асосан ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ҳақидаги фан, ҳозирги замон иқтисодий географияси эса бир вақтнинг ўзида у ҳам социал географиядир ёки расмий равишда иқтисодий ва ижтимоий географиядир. Бинобарин, бу фан иқтисодий масалалар билан бирга ижтимоий жабҳаларни ҳам ўрганади, ваҳоланки МИ асосан иқтисодиёт билан шуғулланади. Аммо бу фан ҳам ички жиҳатдан мураккаб бўлиб, у минтақавий молия, инфратузилма, минтақавий сиёсат масалаларини ўз камровига олади.

6. Иқтисодий географияда районлаштириш ғояси муҳимдир; минтақавий иқтисодиёт ана шу районлаштириш жараёнининг натижаси – алоҳида район иқтисодиёти билан қизикади. ИГ – да кўп босқичли ҳудудий меҳнат тақсимооти ва шунга мос равишда турли даражадаги ҳудудий бозорлар ўрганилади, МИ – да асосан район ичидаги ҳудудий меҳнат тақсимооти ва район (минтақа) бозори таҳлил этилади; иқтисодий география ҳам ички, ҳам районлараро иқтисодий муносабатлар ва интеграцион жараёнлар билан кўпроқ шуғулланади. Юқоридагилар кўрсатадики, ИГ МИ-нинг назарий-методологик асоси ҳисобланади.

7. Ҳар иккала фан учун ҳам ишлаб чиқариш кучларини оддий жойлаштиришдан кўра уларни маълум мақсадга қаратилган *ҳудудий ташкил қилиш* муҳимроқ. Ҳудудий ташкил қилиш эса тартиб ва таркиб, уюшганлик ва бошқарув демакдир. Ана шу маънода турли даражадаги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини шакллантириш асосида иқтисодий (ва иқтисодий географик) самарадорликни амалга ошириш мумкин. Бу самарадорликка (уни агломерацион самарадорлик ҳам деб атайдилар) ўзаро ҳудудий уйғунлашув, қўшничилик ва масофани - транспорт харажатини қисқартириш, тежамкорлик асосида эришилади. Шу сабабдан ҳар қандай минтақа хўжалиги минтақавий иқтисодиёт бўлавермайди, у минтақа иқтисодиётидир; минтақа иқтисодиёти оддий тизим, ишлаб чиқариш йиғиндиси, минтақавий иқтисодиёт эса ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мажмуа, кластер, мураккаб ва мукамал тизим сифатида шаклланганлигини англатади.

8. Мазкур фанлар учун табиий шароит ва қазилма бойликларнинг оддий жойланиши эмас, балки уларнинг турланиши ва, айниқса, ҳудудий бирликлари, бирлашмалари ўта муҳим аҳамият касб этади. А.А.Минц таъкидлаганидек, табиий ресурсларнинг ҳудудий бирлиги (“территориальные сочетания природных ресурсов”) кўшимча самарадорликка ёки бизнинг иборамизда “икки карра икки тўрт эмас, балки беш” бўлишига олиб келади. Иқтисодий географик самарадорликка асосан ҳудудий мажмуалар, масофа харажатларини камайтириш орқали эришилади.

9. Минтақавий иқтисодиёт ва Иқтисодий географиянинг район ва мамлакатлар таҳлилида шаҳарлар ва йўллар ўша жой хўжалигининг “қовурғаси” ҳисобланади. Аммо ИГ – да ҳудуд таърифидан шаҳарларга ўтилса, минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий сиёсат шаҳарлар, урбанизация сиёсати билан чамбарчас боғлиқ, зеро ўсиш кутб ва марказлари, “ривожланиш ўқлари” ва йўлаклари ҳудуд иқтисодиётини шакллантиради ва жонлантиради.

10. Минтақавий иқтисодиёт иқтисодий географияга кўра амалийроқ, чунки у минтақавий сиёсат (ҳудудий сиёсат эмас!) билан узвий алоқадор. Ҳар қандай мамлакатнинг демографик, фан-техника, ижтимоий-иқтисодий, ташқи сиёсати бўлганидек унинг минтақавий сиёсати ҳам мавжуд. Бу сиёсатнинг аҳамияти айниқса бозор муносабатларига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни давлат томонидан тартибга солиш, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини (тафовутини) мумкин қадар камайтириш ва қисқартириш, ишсизликнинг кўпайишини олдини олиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш каби муаммоларни ҳал этишда каттадир.

Юқоридаги МИ ва ИГнинг илғаб бўлмас даражадаги фарқлари уларнинг биргаликда ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Аксинча, бу фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги мамлакат ва минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси ва концепцияси, дастурлаш ва прогнозлаштиришда, хусусан илмий асосланган минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Минтақавий сиёсатнинг асосий мақсади қуйидагилар:

- *Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни юмшатиш ва қисқартириш;*
- *Маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланиш асосида минтақавий ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш;*
- *Минтақалар ёрдамида мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кўтариш, иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш;*
- *Жойлардаги ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш;*
- *Шаҳар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини ривожлантириш, урбанизация ҳамда миграция жараёнларини тартибга солиш;*
- *Ишлаб чиқариш кучларини тўғри ҳудудий ташкил этиш;*
- *Ҳудудларнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш;*
- *Аҳоли бандлигини яхшилаш ва ҳ.к.*

Юқоридаги стратегик мақсадларга турли йўллар ёрдамида эришилади. Бунинг учун авваламбор ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини мутлоқ кўринишида тенглаштириш ғоясидан воз кечиш талаб қилинади. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш, очиқ иқтисодиёт юритиш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, минтақалар инвестицион жозибадорлигини ошириш асосида хорижий сармоядорларни жалб қилиб, ўзаро манфаатли қўшма корхоналар қуриш, турли йўналишдаги

эркин иқтисодий минтақаларни ташкиллаштириш ҳудудлар ривожланишига катта туртки беради.

Шаҳарлар йирик аҳоли пунктлапи бўлиб, унда яшайдиган кишилар қишлоқ хўжалиги билан банд бўлмасдан, бошқа ижтимоий – иқтисодий, маданий соҳаларда шуғулланишади. Шаҳарлар турли макон ва замонларда иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқарув маркази ролини ўйнаган. Шаҳар аҳоли пунктлапи ўлчами жиҳатидан йирик ва унда яшовчи аҳоли, қишлоқ аҳоли пунктлапидагига нисбатан кўп сонлилиги ҳамда зичлиги билан тавсифлидир. Шаҳарларнинг қудрати уларда мужассамланган иқтисодий, интеллектуал ва демографик салоҳият билан белгиланади.

Дунё миқёсидаги шаҳарларни аҳолийлигига кўра мақом беришда аниқ чегараланган бир хил миқдордаги ценз мавжуд эмас. Ҳар бир давлатдаги шаҳарлар бажарадиган функцияси ва аҳоли пунктлапининг роли ва аҳоли сонига қараб ажратилади. Масалан, Дания ва Исландияда аҳолиси 200 киши ва ундан кўп бўлган аҳоли пунктлапи шаҳар, деб аталади. Бундан ташқари Японияда–30 мингдан ошқ, Нидерландияда 20 минг, Туркияда – 10 минг, Ҳиндистон ва Покистонда – 5 минг, Мексикада – 2,5 минг, Францияда 2 минг, АҚШда 2,5 минг, Хитойда 3 минг, Германияда 5 минг киши ва ундан кўп аҳоли яшайдиган аҳоли пунктлари шаҳар қаторига киритилади. Россияда – 12 минг, Ўзбекистонда эса 7 минг аҳолиси бор пунктлап шаҳар ҳисобланади. Аммо, дунёда шундай аҳоли пунктлапи борки, улар фақат маъмурий марказ бўлганлиги боис шаҳар, деб номланади. Чунончи, айрим мамлакатлардаги барча аҳоли пунктлапининг маъмурий марказлари, пойтахтлари шаҳарлар сирасига киритилади. Масалан, Жазоир, Эквадор шулар жумласидандир.

Аҳоли пунктлапи шаҳарга айланишида уларнинг иқтисодий салоҳияти, функцияси ҳам муҳим мезонлардан бири. Шаҳар аҳоли пунктлапида яшовчилар қишлоқ хўжалиги тармоқларида банд бўлмаслиги ёки жуда кам сонлини ташкил этиши керак. Масалан, Россия шаҳарларидаги аҳолининг атиги 15 фоизга яқини қишлоқ хўжалигида банд бўлиши мумкин. Ҳиндистонда эса меҳнатга лаёқатли эркакларнинг 3/4 қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлмаган аҳоли пунктлапида яшаса бундай пунктлап шаҳарлар сифатида қабул қилинади.

Ўзбекистонда ишчи, хизматчи ва уларнинг оила аъзолари шаҳар аҳолисининг 2/3 қисмидан кўпроғини ташкил этиши ҳамда бундай аҳоли пунктларида саноат корхоналари (оғир индустриал), коммунал хўжалик ташкилотлари, давлат уй-жой фонди, ўқув юртлари, маданий-маърифий, тиббий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари мавжуд бўлиши лозим. Бу мезон ҳам барча давлатларда бир хил эмас.

Собиқ СССР даврида аҳоли пунктларига шаҳар мақомини бериш бўйича бир қатор қонун-қоидалар қабул қилинган. Бундай қонун-қоидалар айрим республикаларда ўзаро фарқ қилар эди. Масалан, Украинада аҳоли сони шаҳарлар учун 10000, шаҳар типдаги посёлкалар (ШТП) учун 3000

киши қилиб белгиланган. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич тегишлича 7000 ва 2000 кишини ташкил этади.

Аҳоли пунктида истиқомат қилувчиларнинг кўпчилик қисми меҳнатнинг қандай тури билан бандлиги даражаси ҳам шаҳарча мақомини беришда муҳим белгиларидан ҳисобланади. Чунончи, Грузияда ҳам, Туркманистонда ҳам аҳоли пункти шаҳар мақомини олиши учун, у ерда 5000 кишидан кам бўлмаган аҳоли истиқомат қилиши керак. Лекин, Грузияда аҳолининг 75% дан ортиғи ишчи, хизматчи ва уларнинг оила аъзоларидан иборат бўлиши талаб этилса, Туркманистонда бунинг учун 66 % аҳоли кифоя.

Шаҳар аҳоли пунктлапининг шаҳар, деб номланишида унда яшовчилар миқдори ҳам муҳим кўрсаткичлардан биридир. Мамлакатлар, минтақалар аҳолисининг ҳудудий таркибида шаҳар аҳолисининг ва шаҳарларнинг ўсиб бориши – урбанизасия жараёнининг ривожланишига олиб келади.

Урбанизасия – (лотинча урбанус – шаҳар) – шаҳарлашиш, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва кўпайиши. Бу жараён фан-техника инқилоби даврида кескин кучайиб, шаҳар аҳолисининг кўпайишига, шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалишига сабаб бўлади .

БМТ берган статистик маълумотларда ҳозирда дунё аҳолисининг тенг ярми шаҳарларда яшайди, яъни 2009 йилда ер шари аҳолисининг 50 фоизи шаҳарларга тўғри келади ва бу кўрсаткич 2030 йилда 60 фоизни, яъни 3 миллиарддан 5 миллиардгачани ташкил этади. Бундай шаҳар аҳолисининг ўсиши фақат табиий кўпайиш ҳисобига рўй беради. 2000-2030 йиллар орасида йилига 1,8 фоиздан ортиб боради, бу глобал ўсишдан икки марта кўп дегани. Шунингдек, бугунги кунда дунёнинг 20 та шаҳрида 10 миллион киши яшамокда (15 таси ривожланаётган давлатларда) бу жаҳон аҳолисининг 4 фоизига тенг. 2015 йилда шундай лига шаҳарлар 22 тага етади ва уларда 5 фоиз дунё аҳолиси яшайди .

Давлатлар ўртасида шаҳар аҳолиси устун бўлган минтақаларга ривожланган давлатларни киритиш мумкин. Масалан, Европа аҳолисининг 71 фоизи шаҳарларга тўғри келади, Осиёда бу кўрсаткич 42 фоиз (2009 йил), Япония (86 фоиз), Корея республикаси (82 фоиз), Сингапур (100 фоиз), Малайзия (68 фоиз), Эрон (67 фоиз), Қувейт (98 фоиз) ва қатор Ғарбий Осиё мамлакатлари аҳолисининг ҳудудий таркибида шаҳар аҳолиси устун.

Дунёдаги шаҳар аҳолисининг сони тўхтовсиз ўсишида давом этмокда. Жумладан, 1900 йилда шаҳар аҳолиси жами аҳолининг 3 фоизини, 1860 йилда – 6,4 фоизни, 1990 йилда – 19,6 фоиз, 1990 йилда 43 фоиз, 2005 йилда эса 48 фоиз, 2009 йилда 50 фоизни ташкил қилган. Бундан аҳолининг шаҳарларда концентрасиялашуви яъни, мужассамлашуви тезлашганини кузатамиз. Урбанизасиянинг умумий кўрсаткичи мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасини белгилайди ва ўз навбатида улар орасидаги алоқадорлик моҳиятини ифодалайди. Чунончи, агар урбанизасия даражаси тахминан 70-75 ва ундан ортиқ бўлса, у ҳолда мамлакат саноат жихатидан

юксак даражада ривожланган индустриал мамлакат; 50-70 % индустриал-аграр; 30-50 %- ривожланаётган аграр-индустриал ва 30 фоиздан паст, суст ривожланган аграр мамлакат ҳисобланади.

Бинобарин, урбанизасия даражаси бўйича мамлакатларни солиштирганда куйидагиларга эътибор бериш лозим:

- шаҳар ташкил қилиш мезонлари (масалан, аҳоли сони);
- шаҳарларнинг умумий сони ва зичлиги;
- йирик шаҳарларнинг мавжудлиги;
- шаҳар агломерацияларининг ривожланганлиги;
- қишлоқ-шаҳар ва маятниксимон миграция;
- аҳолининг бандлик даражаси ва таркиби ва х.к.

Булардан шаҳар аҳоли салмоғи урбанизасия даражасини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у ер шарининг барча ҳудудларида урбанизасия жараёнининг боришини кўрсатади. Жумладан, урбанизасия даражасининг аҳамиятли томонларини куйидагиларда яққол кўриш мумкин:

1. Урбанизасия даражаси 10 % бўлса, бундай ҳудуд урбанизасиялашмаган бўлади. Қишлоқ аҳоли пунктлари билан шаҳар аҳоли пунктлари орасидаги фарқ деярли бўлмайди. Қишлоқ турмуш тарзи акс этади ва шаҳар аҳоли сони ёки шаҳарликлар ҳиссаси жуда секинлик билан кўпаяди;

2. Агарда урбанизасия даражаси 25 % дан паст бўлса, қишлоқ аҳоли пунктлапи устунлиги сезилади, ҳудуд кучсиз урбанизасиялашган ҳисобланади. Аммо шаҳар турмуш тарзи акс эта бошлайди, оқибатда шаҳар аҳолиси тезлик билан кўпаяди, оммавий шаҳар аҳоли пунктлари пайдо бўла бошлайди. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлапи ўртасидаги фарқ катталаша боради;

3. Урбанизация даражаси 50 % га етса, шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисидан устунлиги сезилади, ҳудуд ўрта урбанизасиялашган ҳисобланади. Шаҳар аҳоли сони ва ўсиш суръати катта бўлади, шаҳар аҳоли пунктлапи қишлоқлардан яққол ажралиб туради;

4. Урбанизасия даражаси 75 % ни ташкил этганда шаҳарлар қишлоқлардан аниқ фарқ қилади, шаҳар турмуш тарзи қишлоқ жойларга ҳам тарқала бошлайди. Шаҳар аҳолисининг ҳиссаси ва аҳоли ўсиш суръати бирдан секинлашади;

5. Минтақа, мамлакат, ҳудуд аҳолисида шаҳар аҳолиси ҳиссаси 90 % бўлса, тўлиқ урбанизасиялашган ҳисобланади. Шаҳар турмуш тарзи барча қишлоқ аҳоли пунктлапига тарқалади, қишлоқ билан шаҳар орасидаги фарқ яна бутунлай йўқолади. Аҳоли сони ва салмоғи жуда секинлик билан ўсади, ҳатто баъзи ҳолларда камая боради .

Европа мамлакатларида бугунги кунда айнан шаҳар аҳолиси салмоғида камайиш ҳодисаси рўй бермоқда. Европа давлатлари деярли ҳаммасида шаҳар аҳолиси жами аҳолининг 50 фоиздан кўпини ташкил қилади (2009 й.). Фақатгина, Албания, Босния ва Герсеговина аҳолисининг 46 фоизи шаҳар аҳолиси ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган

Европа давлатларидан Дания (72 фоиз), Швесия (84 фоиз), Англия (80 фоиз), Германияни (73 фоиз) тўлалигича урбанистик тавсифга эга дейиш мумкин.

Урбанизасия даражасининг кескин фарқ қилишида ижтимоий-иқтисодий омиллар муҳим ўрин тутди. Бирон-бир мамлакат, минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қанчалик юқори бўлса, ўша жойда урбанизасия даражаси, шаҳар аҳолиси салмоғи катта бўлади. Айрим ҳолларда табиий омиллар туфайли ҳам урбанизасия даражаси кўтарилиши мумкин. Масалан, истикболли фойдали қазилма конлари, қулай иқтисодий географик ўрин ва х.к.

Шулардан иқтисодий географик ўрни (ИГЎ) шаҳар ва шаҳар аҳоли пунктлари таркиб топишида муҳим омил ҳисобланади. Маълумки, ИГЎ микро, мезо ва макро даражада ажратиб кўрсатилади. Шаҳар аҳоли пунктлари пайдо бўлишида, ИГЎнинг микродаражадаги аҳамияти катта мавқега эга бўлади. Унинг мезо ва макродаражадаги аҳамияти эса кейинчалик шаҳарчаларнинг ривожланиши ва йирик марказларга айланишида муҳим ўрин тутди. Бинобарин, айрим шаҳарларнинг микродаражадаги ўрни ноқулайлиги унинг аста-секин йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Шаҳарларнинг мезодаражада ўрни қулайлиги унинг йирик ва катта шаҳарларга айланишига замин бўлиши мумкин. Агарда бу аксинча бўлса, шаҳар кичик ҳолатида қолаверади. Шаҳарлар ИГЎнини тўртта босқичга ажратиш тавсия этилади.

микро ўрни- яқин шаҳар атрофига нисбатан ўрни;

мезо ўрни- мамлакат катта бир қисмига ёки унча катта бўлмаган давлатга нисбатан ўрни;

макро ўрни- йирик давлат чегараларига нисбатан ўрни;

мего ўрни- дунё миқёсида ёки унинг йирик регионларига нисбатан тутган ўрни. Макродаражадаги ўрин шаҳарлар ривожланишида, юқори босқичларга чиқишида алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ, бу ўрин шаҳарлар таракқиётида ижобий хусусият касб этмаса, улар ҳаёт фаолияти ўзгаришсиз қолаверади. Кўплаб қадимий шаҳарларнинг географик ўрни улар умрини белгилашга хизмат қилган, десак хато бўлмайди. Чунки, айнан шу географик ўриндаги ноқулайликлар ер юзидан кўплаб шаҳар ва шаҳарчаларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлган. Н.Н.Баранский шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни улар учун муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Уни табиий географик ўриндан, яъни табиий объектларга нисбатан тутган ўриндан фарқлай билиш керак. Чунки, денгиз қирғоғи, тоғ тизмалари шаҳар иқтисодиётига таъсир этиши ёки этмаслиги мумкин, дейди. Шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни (ИГЎ) бирқанча компонентлардан ташкил топади. Булар эса ўз навбатида яна бир неча элементларга бўлиниб кетади. Жумладан:

1. Шаҳарларнинг табиий географик ўрни:

✓ Табиат зоналарига нисбатан ўрни;

✓ Табиий ресурсларга нисбатан;

2. Саноат – географик ўрни:

- ✓ хом ашё манбаларига нисбатан, яъни электро энергия, ёқилғи ва ҳакозо;
- ✓ қайта ишлаш саноти марказларига нисбатан;
- 3. шаҳарларнинг агро-географик ўрни: қишлоқ хўжалиги хом ашёси ишлаб чиқарадиган раёнларга нисбатан;
 - ✓ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи районларга нисбатан;
- 4. транспорт-географик ўрни:
 - ✓ ички муҳим транспорт магистралларига нисбатан;
 - ✓ халқаро аҳамиятга эга транспорт тизимига нисбатан;
- 5. бозор-географик ўрни:
 - ✓ маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган тармоқ раёнларига нисбатан;
 - ✓ истъомол моллари билан таъминлайдиган раёнларга нисбатан;
- 6. геодемографик ўрни:
 - ✓ аҳоли ўсиши билан боғлиқ раёнларга нисбатан ўрни;
 - ✓ фан, таълим ва маданият марказларига нисбатан
- 7. сиёсий-географик ўрниб
 - ✓ мамлакат пойтахтига нисбатан;
 - ✓ давлат чегараларига нисбатан;
- 8. ҳарбий-географик ўрни:
 - ✓ мудофаа аҳамиятига эга объектларга нисбатан;
 - ✓ сиёсий (ҳарбий) конфликт ўчоқларига нисбатан.

Шаҳарларнинг мазкур географик ўринлари қулайлиги уларнинг турли соҳа ва тармоқлар бўйича ривожланишига имкон беради. Ҳар бир шаҳар учун энг муҳим географик ўрни бу транспорт тармоқларига нисбатан жойланиши бўлса ҳам турли ҳудудларда ИГЎ аҳамияти бир-биридан маълум даражада фарқ қилади.

Шаҳарлар ҳоҳ у йирик, ҳоҳ майда бўлишидан қатъий назар ҳар бирининг бажарадиган ўз функцияси бор. Шаҳарларнинг функцияси-аҳолининг шаҳар ҳосил қилувчи тармоқ ва соҳалардаги ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади. Шаҳарларни шаҳар ҳосил қилувчи функциясига кўра иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

I. Ишлаб чиқариш (индустриал)

- 1) саноат
- 2) транспорт
- 3) савдо-сотик

II. Ноишлаб чиқариш

- 1) ҳарбий
- 2) маданий
- 3) курорт

Шунингдек, баъзи олимлар шаҳарларни қуйидаги функционал типларга ажратишни маъқул кўради.

- Сиёсий-маъмурий марказлар, пойтахт шаҳарлар.

- Кўп функцияли шаҳарлар-вилоят марказлари.
- Кўп тармоқли йирик саноат марказлари.
- Асосан бир ёки икки саноат тармоғига ихтисослашган шаҳарлар.
- Транспорт марказлари.
- Агроиндустриал шаҳарлар.
- Туман марказлари.
- Рекреация шаҳарлари.
- Илму-фан марказлари, университет шаҳарлари ва х.к.

Шаҳарлар мазкур юқорида келтирилган функциялари бўйича бири-биридан маълум даражада фарқ қилишади. Масалан, дунёда АҚШдаги Детройт, Россиядаги Толятти шаҳарлари автомобилсозлик, Франциядаги Дюнкерк, Украинадаги Одесса, Россиянинг Владивосток, Мурманск транспорт, яъни порт шаҳарлар; Англиядаги Кембридж, Германиянинг Хайделбург, Дубна ўқув, илмий марказлар; Ҳиндистоннинг Варанаси, Саудия Арабистонининг Маккаси диний марказлар вазифасини бажариши билан ажралиб туради. Кўпгина шаҳарлар битта эмас, бирқанча функцияни бажаради, бундай шаҳарлар “полифункционал” шаҳарлар ҳисобланади.

Шунингдек, айрим шаҳарлар маъмурий марказ вазифасини бажаришади холос, яъни Канберра, Тошкент мамлакат маъмурий марказлари бўлса, Жиззах, Термиз шаҳарлари вилоят марказлари, Шахрисабз, Усман туман марказлари вазифасини бажарувчи шаҳар ва шаҳарчалардир. Хўжалик нуқтаи назаридан баъзи шаҳарлар саноат, транспорт, дам олиш ва туризм, илм-фан марказлари ҳисобланади. Шаҳарларни вазифасига кўра бундай ажратиш одатда улар аҳолиси бандлиги хусусиятидан келиб чиқади.

Шаҳарлар катта-кичиклигига қараб ҳам функционал типларга ажратилади. Шаҳарларнинг катта-кичиклиги улар аҳолиси сонига қараб белгиланади. Одатда, шаҳарлар аҳолиси сонига кўра қуйидагича классификацияланади:

1. кичик шаҳар: 20 минг киши
2. ўрта шаҳар: 20 мингдан 100 минг кишигача
3. катта шаҳар: 100 мингдан 500 минг кишигача
4. йирик шаҳар: 500 мингдан 1000 минг кишигача
5. миллионер шаҳар: 1000 минг ва ундан ортиқ
6. ўта миллионер шаҳар: 10 млн ва ундан кўп киши.

Шаҳарларнинг функционал тузилиши шаҳар ҳаётининг барча жабҳасида яққол сезилади, шу боисдан шаҳарларни турли йўналишда тадқиқ этишда буни албатта ҳисобга олиш лозим. Шаҳарларнинг функционал тузилиши аҳоли такрор барпо бўлиши суръатига, аҳоли демографик таркибига, аҳоли бандлиги, аҳоли миграцияси характерига, аҳоли ижтимоий таркибига ўз таъсирини ўтказиши. Аҳолининг йирик шаҳарларда тўпланиши йирик–катта шаҳарларнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлмоқда. Йирик шаҳарлар майда ва ўрта шаҳарлар ҳисобига тобора гигант шаҳарларга айланмоқда.

Ишлаб чиқариш, маданий-маиший, коммунал-хўжалик алоқалари ўзаро туташган ҳолда вужудга келаётган шаҳар аҳоли пунктларининг янги тури фанда агломерация, деб номланади.

Агломерация-аҳоли пунктларнинг бир-бирларига қўшилиб кетиб, улкан шаҳар, ягона иқтисодий ҳудуд ҳосил қилиши. Агломерацияларда аҳоли зич ўрнашган, хилма-хил ишлаб чиқариш тармоқлари, хусусан саноат корхоналари, илмий ва ўқув муассасалари тўпланган бўлади. Агломерация сўзи француз адабиётларида учрайди, инглизлар буни конурбасия, америкаликлар метрополислар, деб аташади.

Шаҳар агломерацияси ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланиши туфайли турли функционал тип ва йирикликдаги шаҳарларнинг вужудга келиши ва уларнинг бир жойда тўпланишидан, хусусан шаҳарларнинг қулай иқтисодий географик ўрин туфайли энига ва бўйига кенгайиб боришидан ҳамда йирик шаҳар атрофида ва унга яқин жойда шаҳар ва шаҳарчаларнинг таркиб топиб қўшилиб кетишидан пайдо бўлади.

Шаҳар агломерацияси қуйидаги шарт ва шароитларга таянган ҳолда шаклланади:

- шаҳар атрофида битта ёки иккита йирик шаҳар бўлиши лозим;
- унинг атрофида камида иккита шаҳар ва шаҳарчалар бўлиши шарт;
- марказий шаҳар (агломерация ядроси) ва йўлдош шаҳарчалар орасидаги масофа энг кўпи икки соатлик вақт доирасида бўлиши зарур;
- агломерация шаҳар ва шаҳарчалари ўртасида маятниксимон (тебранма) миграция алоқаси ривожланган бўлиши шарт;
- атрофидаги шаҳарлар аҳолиси энг ками агломерация аҳолисининг 10 фоизини ташкил этиши зарур ва х.к.

Дунёда биринчи шаҳар агломерацияси XIX асрнинг иккинчи ярмида йирик шаҳарлар (Лондон, Париж, Нью-Ёрк ва бошқа.) ёки унга яқин жойлашган алоҳида унча катта бўлмаган шаҳарлар атрофида шаклланган. Агломерациянинг биринчи типи ягона марказга асосланган моносентрик хусусиятга эга бўлган бўлса, иккинчи типи полисентрик, яъни мавқеи жиҳатдан тенг бўлган кўп марказлардан иборат бўлган. Булардан моносентрик агломерациялар типи кенг тарқалди. Ҳолбуки, ҳозирда полисентрик типи ҳам кўп сонлидир. Шу ўринда келтириш жоизки, агломерациялар бир марказли (моносентрик) ва кўп марказли (полисентрик) хусусиятга эга бўлади. Фарғона-Марғилон, Ангрен-Олмалик агломерациялари полисентрик, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қарши, Нукус, Урганч ва бошқа агломерациялар моносентрик ҳисобланади.

Шаҳар агломерацияси - меҳнат, маданий-маиший, рекреацион, инфратузилма, ишлаб чиқариш ва бошқа алоқалари билан ўзаро бирлашган шаҳар аҳоли пунктлари гуруҳига айтилади. Дунёда энг йирик агломерациялар 20 дан ортиқ бўлиб, уларнинг кўпи АҚШда (Чикаго, Нью-Ёрк, Лос-Анжелес), Ҳиндистонда (Дехли, Бомбей, Калкутта), Японияда

(Токио, Осако-Киото-Кобе) ва Бразилияда (Сан-Паулу, Рио-де-Жанейро) жойлашган. Покистон (Карачи), Буюк Британия (Лондон), Эрон (Техрон), Аргентина (Буенос-Айрес), Филлипин (Манила), Хитой (Шанхай), Франция (Париж), Бангладеш (Дакка), Россия (Москва) каби мамлакатларда агломерациялар сони атига биттадан, холос. Шаҳар агломерациялари вақт ўтиши билан ривожланган давлатларга нисбатан ривожланаётган давлатларда тобора ўсмоқда.

5-Мавзу: Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва минтақавий сиёсат масалалари

Режа:

1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш.

Таянч сўзлар: Худуд, иқтисодий ва ижтимоий география, минтақавий иқтисодиёт, шаҳар, урбанизация, агломерация.

1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш

Агломерация чегаралари одатда, марказ шаҳар билан унинг атрофидаги шаҳарлар ўртасидаги меҳнат, маданий-маиший алоқалар самарадорлиги билан белгиланади. Бу алоқалар чегараси ҳозирги замонавий транспорт ривожланган бир вақтда 50-60 км оралиқдаги радиусни ташкил этади. Кўпгина ҳолларда бу шаҳар агломерация чегараси маъмурий чегаралар билан мос келмайди.

Шаҳар атрофидаги аҳоли пунктларининг шаҳар марказидан ва унинг атрофидан келаётган аҳоли ҳисобига тезроқ ривожланиши шаҳар агломерациясининг ўз чегарасидан ташқарига чиқишига олиб келмоқда. Бу жараён фанда субурбанизасия-деб аталади (субурбанизасия лотинчадан субур-шаҳар атрофи). Шаҳар марказидаги экологик вазият, ўзига хос мураккаб турмуш тарзи, нарх-навонинг баландлиги, жиноятчиликнинг ўсиши, солиқнинг юқорилиги каби нохуш ҳолатлардан чарчаган, зериккан одамларнинг шаҳардан ташқарига кўчиб ўтиши ва шаҳар марказига ишга келиб-кетиши субурбанизасия жараёнинг ривожланишида етакчи омиллар ҳисобланади. Энг аввало бунда аҳолининг моддий жиҳатдан ўзига тўқ қатлами шаҳар атрофига келиб жойлаша бошлайди. Кейинчалик ўрта қатлам

ва ўз навбатида аҳоли билан бараварига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам келиб ўрнашади, ривожланади.

Вақт ўтиши билан шаҳар ва шаҳарчалар, ўзаро ҳудудий туташиб, кўшилиб кетади ва уни айрим жойларда урбанизациялашган ҳудудлар дейишади (Лондон, Рур ҳавзаси конурбасияси ва х.к.). Урбанизациялашган ҳудудлар 3-5 та агломерациянинг бирлашишидан таркиб топади. Шаҳар агломерацияларининг ўзаро кўшилиб кетишидан ҳосил бўлган шаҳар аҳоли пунктлапи урбанизациялашган зоналар ёки мегалополислар (ушбу тушунчани илк бора франтсуз урбанисти Жан Готман 1950-йилларда АҚШнинг шимоли-шарқига нисбатан ишлатган), деб юритилади. Ҳозирда дунё бўйича, Шимоли-шарқий Атлантика (АҚШ) 40 та агломерацияни, Ички, Кўл атрофи (АҚШ, Канада) 35 та, Жанубий-Ғарбий, Тинчokeан (АҚШ, Мексика) 15 та, Токайдо (Япония) 20 та, Англия (Буюк-Британия) 30 та, Рейн (Германия, Нидерландия, Белгия, Франция) 30 та агломерацияларни ўзига қамраб олган йирик мегалополислардир. Кучсиз урбанизациялашган ҳудудларда ҳам мегалополислар ташкил топмоқда. Масалан, Бразилияда Сан-Паулу-Рио-де-Жанейро-Белу-Оризонти мегалополиси. Россияда Москва ва Нижний Новгород ўртасидаги мегалополислар шулар жумласидандир.

